

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
"ИСТЕҦДОД" ЖАМҒАРМАСИ

Р.Ишмуҳамедов, А.Абдуқодиров, А.Пардаев,

ТАРБИЯДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР

гаълим муассасалари тарбиячи-5^т қитувчилари ва гуруҳ раҳбарлари
учун амалий тавсиялар)



Ўзбекистондаги
TSLU
заборон-ресурс

7017/3

Тошкент-2010

Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инповиши! технологиялар (таълим муассасалари тарбиячи-ўқитувчиларн ва йуруғ раҳбарлари учун амалий тавсиялар)-Т.; Истеъод, 2010. - 141 б.

Ушбу амалий тавсиялар муаллифлар томонқдан чон -этилган "Директорнинг иш китоби" (2007), "Таълимда инновациоц технологиялар" (2008) китобларининг мантикий давоми бўлиб, унда маънавий-маърифии ишлар бўйича замонавий тарбиявий педагогик технологияларнинг асосий моҳиятини ёритишига ҳаракат килинган. Тўпламга! Узбекистон Республикасининг миллий истиклол гояси, унинг устувор! тушунчалари ва тамойиллари амалий тавсияларга асос килиб олинганд! Кўлланмада тарбия жараенига кўйилган замонавий талаблар, тарбиявий жараённинг мазмуни, таълим муассасалари ўкувчилар гурухларида тарбиявий жараённи ва тарбиявий ишларни ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари, тарбиявий технологиянинг назарий ва амалий асослари таҳлил) этилган, маҳсус тренинглар ўтказиш услубиёти хамда тарбиявий технологиялар берилган.

Келтирилган амалий тавсияларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, тарбияда инновация "Нима?" саволи оркали эмас, "Қандай?" саволи оркали ёритилган.

Амалий тавсияларнинг **мақсади** - таълим муассасаларида фаолият олиб) бораётган профессор-ўқитувчишр, тарбиячилар, гурух раҳбарлари ва малака ошириш курслари тингловчилари тарбиявий ишлар тўғрисида умумий тушунча бериш, уларни тарбиявий ишларни тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил килиш услубиёти билан таништириш хамда олган билимларини амалистда кўллаи олишларига тайерлашдан иборат, Келтирилган усулуний тавсиялардан таълим муассасаларининг ўқув ва тарбия ишлари бўйича раҳбар ходимлари, услубчилари, ўкувчилар етакчилари, «Камолот» ёиглар ижтимоий ҳаракати сардорлари хам фойдаланишлари мумкин.

Кўлланмада ишлатилган "ўкувчи" атамаси остида олий таълим муассасаси талабаси, академик лицей ва касб-хунар коллажлари хамда умумий таълим мактаблари ўкувчилари ва малака ошириш тингловчилари тушунилса, "тарбиячи" атамаси деганда эса, таълим муассасалари тарбиявий ишларига тайерлашдан иборат, Келтирилган усулуний тавсиялардан таълим муассасаларининг ўқув ва тарбия ишлари бўйича раҳбар ходимлари, услубчилари, ўкувчилар етакчилари, «Камолот» ёиглар ижтимоий ҳаракати сардорлари хам фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар

© Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъод.» жамғармаси, 2010

Инсон калбига йўл аввало таълимтарбиядан бошланади. Дунё иморатлари ичida энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичida энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир.

И.Каримов

Кириш

"^""Ўзбекистон Республикаси ҳуқукий демократик жамият қуриш йўлидан борар экан, ўз фукароларининг, айниқса, янги жамият барпо этишга бел боғлаган, ўсиб келастангавлод ва бўлажак мутахассисларнинг маънавий шаклланишига алоҳида эътибор қаратмокца.

Миллий мағкура вазифалари тарбиявий жараёнда маҳсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар орқали амалга оширилади. Тарбиявий жараён таълим муассасаларида ўзига хос маъно касб этади. Илғор миллий, маънавий-аҳлоқий қадриятлар ва мезонлар, халқ педагогикиси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошқалар таълим муассасаларида тарбиявий жараённи ташкил қилиш асосига қўйилиши ксрак.

Таълим муассасалари тарбиячи-ўқитувчилари миллий истиқбол гояси билан қуролланган бўлиб, уни ҳар бир фукаро онгига етказиш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Баркамол шахс тарбиясини ташкил этиш барча даврларда ҳам ижтимоий жамиятнинг муҳим талаби ва асосий мақсади бўлиб келган. Узбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши таълим муассасаларининг олдига янги демократик давлатнинг фукароларини шакллантиришдек муҳим вазифани қўйди. Табиийки, ҳозирги таълим ислоҳотлари шароитида ҳам баркамол шахс тарбияси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, Узбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да: "Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-аҳлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлик бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс - фукарони такомиллаштиришини назарда тутади" деб таъкидланади.

Узбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" Конунларида баён қилинган таълим тизимининг ислохи, шунингдек, Республика Президентининг Олий Мажлис IX сессиясидаги «Баркамол авлод Узбекистон тараққиётининг пойдевори» нутқи барча соҳадаги тарбиявий

фаолиятни тубдан ўзгартириш, ўкувчилар билан утказиладиган тарбиявця ишлар услубиёти, шакл ва мазмунига педагогик гсхнолоғпяларнп *киртиц* ҳамда ўкувчи-ешларга изчил тарбия беришнинг самарали Йўллариня яратишга қаратилган.

Шу сабабли хам, бугунги кунда учлуксиз таълим тизимида 1пахснинг маънавий-маърифий шаклланиши билан боғлик саяоллар! а жавоб беришл узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётпш ходимларни шу Йўналишдаги кўникма ва малакаларини оширишга қаратилган амалим тавсиялар бериш. таълим-тарбия жараёнида гтедагогик технологиялардал фойдаланиш услубларини таклиф этиш, уларда тренинглар ва очик мунозаралар ўтказиш, шунингдек, машғулотларни якка, жуфтлик, ютиқ! гурухлар ва жамоа тартибида ташкил килиш ва ўтказиш ҳамда ўқунчиларнм тарбиявий жараёнга жалб этиш масалаларига багишлиланган керакли услубим тавсиялар ва маслаҳатларни гтедагог кадрларга етказиш ҳозирги куллинш долзарб вазифаларидир.

Кўлланмда юқорида келтирилган вазифаларни бажаришнинг баъзш Йўллари келтирилган ва унинг таркибига киритилган барча ама^тий тавсиялар! "Истеъдод" жамғармаси Масофали ўқитиши марказида бир нета йиллардал буён ташкил этилган «Тарбиявий ишларни ташкил этиш?» махсус курси! бўйича малака оширган тингловчи (тарбиячи, раҳбар, услубчи)ларниши такляфлари асосида тузилган булиб. улар куйидаги бўлимлардан иборат:

- 1 - бўлим. Гаъшиш-тарбия жараёнида тарбиявий ишлар технологияси: 1
- тарбиявий ишлар жараёнида кулланиладиган педагогик таъсир! этиш усуслари;
- олий таълим муассасаларида тарбиявий жараён ва тарбиявий! ишларни ташкил этиш;
- тарбиявий технологиялар тренинглари.
- 2 - бўлим. Тарбиячи ва унинг вазифалари.
- 3 - бўлим. Жамоавлӣ ижодий фаолият - педагогик тсхнология! сифатида.
4 - бўлим. Тадбирлар технологияси.
5 - бўлим. Педагогик ихтилоф тушунчаси ва унинг детерминантлари.
6 - бўлгш. Таълим муассасаларида ўтказиладиган амалий-услубий ўкув- I семинарларни ўтказувчи тренер-тарбиячиларга услубий тавсиялар.
- 7 - бўлим. Муаллифлар ён дафтаридан...
- 8 - бўлим. Глоссарий.

1БОБ

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-8. Тарбиявий ишлар ва уларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг назарий асоектлари

Миллий мафкура вазифалари махсус ташкил этилган маънавий-маърифий ишлар, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда амалга оширилади.

A. Ўкувчилар фаолиятининг дарсдан ташқари тизимини лойиҳа-лаш.

Дарсдан ташқари фаолият тизими ўқитишнинг назарий ва амалий тизимини тўлдиради. Уининг асосий вазифаси ўкувчиларнинг ўқишидан ташқари вақти мобаанида ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий фойдали меснат билан шуғулланиш учун оқилюна тақсимлашга ёрдам беришдир,

Ўкувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятини лойиҳалаш вазифаларига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- ижтимоий мослашув доирасини ташкил этиш ва ўкувчиларнинг ижтимоий ҳаракатчанлигини кўрсатиш;

- бўлажак мутахассисларнинг касбий мослашуви учун зарурий шартшароитлар яратиш;

ўкувчиларни мустақил равишда таълимни давом этгирешга йўналтириш;

хар бир ўкувчининг қобилияти, қизиқиши ва иштиёкларини ривожлантириш учун шартшароитлар яратиш;

- ўкувчиларга бўш вақтларидан унумли фоидаланишни ва дам олишни ўргатиш.

Дарсдан ташқари фаолият тизими кўп компонентли бўлиб, ўкувчиларнинг буш вақтларини қўйидаги таркибда, тартибда, шаклда ва жойларда амалга оширилиши мумкин:

- ўкув гурухи таркибida;
- ўкув юрти жамоаси таркибida;
- индивидуал (яккана-якка) тартибda;
- ижтимоий бирлашмаларда ва ташкилотларда;
- клубларда, тўгаракларда, музейларда;
- меҳнат жамоаларида;
- алоҳида фанларни чукур мустақил ўрганиш чоғида;
- таълим муассасасидан ташқаридаги маданий дам олишнинг турли шаклларида.

Укувчиларнинг дарсдан ташқари фаолият тизимининг ўзига хослиги шундаки, унинг хар бир компоненти алоҳида лойиҳалаштирилади ва хар доим ҳам педагогик таъсир доираси билан қамраб олинмайди.

Ўкувчиларнинг дарсдан гашқари фаолият тюимиц! режалаштириш шакллари:

- ўкув юртининг иш режаси;
- ўкув юртининг ўкувчилар билан олиб борадиган маънашш-шгърифиЛ ишлари режаси;
- ўкув гуруқлари ўқувчилари билан олиб бориладиган маънав^^И маърифий ишлар режаси ва бошкалар.

Уқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар режасиня тузишнинг асосий **тартибларн** ва қоидаларн:

- диагностик асос яратиш;
- ўкувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини, жамоанинг маҳорая даражаси ва шаклланганлигини ҳисобга олиш;
- тарбиявий жараёнда асосий мазмуний компонентларга мугсофии фаолият аниқ йўншишларини белгилаш;
- тадбирларни ўтказиш муддатларини, шаклларини, иштирокчилирим аник белгилаш;
- тарбиявий ишлар режасининг кулагилиги, ҳаётийлиги ва аниклиги; тарбиявий ишладни режалаштиришда ўкувчиларнинг шахсам иштироки.

Дарсдан ташқари фаолиятни замонавий ташкил этиш ижодий жараёй бўлиб, тарбиячидан чукур билим, малака ва ҳоҳиш талаб килгани каби ўкувчилардан ҳам уларнинг интилишлари ва эҳтиежларини талаб этади.¹ Уқувчилар ва тарбиячи кизикишларини бирлаштириш тарбияда муаллифлик тизимини шакллантиришнинг ягона йўлидир. Бу ҳолда, тарбия шахс! камолотини бошқариш жараёни, унинг ижтимоийлашуви ва ривожи учун! шароит ва имкониятлар яратиш мезони сифатида қаралади. Дарсдан ташқари фаолият (дам олишни ташкил этиш) эса, шахснинг ижодии имкониятларини! юқорига кўтариш (биринчи навбатда, тарбиячининг), унинг ижтимоий фаоллигини амалга ошириш майдони сифатида тушунилиши мумкин.

Хордиқ -- инсоннинг янгиланиш, тикланиш, унинг жисмоний ва маънавий кучини кўпайтириш, дунёкарашини бойитиш, ижодий фаоллигини ошириши амалга оширишга мўлжалланган ва шу асосда режалаштирилган шахсий вактнинг бир қисмидир.

Таълим муассасаларида тарбиявий жараёши ташкил килиш асосига илфор миллий, маънавий-ахлоқий кадриятлар ва мезонлар, халк педагогикаси, маросимлар, байрамлар, ўйинлар ва бошкалар кўйилиши керак. Уларни ташкил этишда ва ўтказишда тарбия технологияларидан ёки интерфаол услублардан фойдаланилиш ўкувчида ўз юргига меҳр-мухаббат, оиласпарварлик, касбий фидоийликни шакллантиришга ёрдам беради.

Тарбиявий жараён умумий ўрта, ўрта-маҳсус ва касб-хунар, олий таълим муассасаларида ўзига хос ахамият касб этади. Педагог ходимлар, тарбиячилар ва гурух раҳбарлари миллий истиклол ғояси билан куролланган бўлиб, уни ҳар бир фуқаро он)-ига стказиш малакаларига эга бўлишлари уларнинг тарбия жараёни, тарбиявий ишлар ва уларнинг услубиёти хақидаги

б лим кўникма ва малакаларига, педагогик маҳоратларига қўп жиқатдан боғлиқдир.

Тарбия жараёни - шахсни шакллантиришга максадли иуналтирилган, аобияловчи ва тарбияланувчилар ҳамкорлиги учун маҳсус ташкил этилган, бошкариладиган ва назорат килинадиган, ўзининг пировард максади сифатида шахсни шакллантирадиган жараёндир.

Тарбия жараёнининг энг асосий *натижаси* ~ ҳар томонлама ва уйғун камол топган юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдир.

Тарбия жараёни - тарбиявий ишлар, тадбирларнинг доимий ҳаракатдаги занжиридан иборат.

Тарбиявий тадбирлар - турли хил моддий ва маънавий эҳтиёжларга жавоб берувчи, тарбиявий мақсадларниг ягона мажмуасига бўйсундирилган, бир-бири билан ўзаро ҳамкорлик килювчи, ўзида бир бутун таълимни кузда тутган тарбиявий таъсир мажмуудир. Таълим жараёни алоҳида дарслардан ташкил топгани каби тарбиявии тадбирлардан тарбия жарафҳи вужудга келади. Тадбирлар, тарбиявий ишшар - тарбия жараёнининг бир бўлгадидир.

Тарбиявий иш (ТИ) - бу тарбиянинг тизимлилиги, тўлалиги, узвийлиги ва узлуксизлигидир. Тарбиявий иш тарбияланувчиларнинг муаяян фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи шаклдир. ТИнинг асосий хусусияти - зарурийлик, фойдалилик ва татбиқ этиш имкониятидан иборат.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ёзилишича, «Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадрияtlар асосида, замонавий маданият, иктисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизямини шакллантириш Ўзбекистон таракқиётининг муҳим шартидир» [1, 34].

Шу сабабли таълим муассасалари тарбиявий жараенни ташкил килиш ва муваффакиятли давом эттириш учун зарур бўлган тарбиявий ишлар услублари, билимлар, малака ва маҳоратлар тизими, замонавий педагогик технологиялар ва уларни тарбиявии ишлар амалиётида кўллаш масалалари педагогик жамоаларининг энг муҳим муаммоси бўлиб колмоқда.

Таълим муассасаларида ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлигини ошириш тарбиявий ишлар технологиясини тўғри ташкил килиш ва кўллашга боғлик. Бу эса, ўз навбатида таълим муассасалари учун тарбиявий ишларни амалга ошириш услубиёти замонавий педагогик технологиялар ишланмалари асосида яратишни талаб этади.

Фикримизча, таълим муассасаларининг тарбиявий ишлар технологияси ижодии фаоллик, мустакил фикрлаш ва мохирона ҳаракатларга иуналтирилган бўлиши ва тарбиячи ҳамда ўқувчилар томонидан минимал куч сарфлагац ҳолда тарбиявий ишлар бўйича кўйилган максадларни эгаллашда энг фаол шакл, усул ва услублардан фойдаланиш, тарбиявий жараённи муваффакиятли ташкил этувчиларнинг доимий ва мажмуавий фаолиятининг асосий кисмидан иборат бўлиши керак.

Таълим муассасаларида тарбиявий ишлар услубиётини амалга оширишнинг педагогик технологияси: лойихалаштириш, амалга ошириш,

назорат ва таҳлил килиш каби иш харакатлари кетма-кетлигидан иборд! (чиzmага қаранг).

*—**-^МАКСАД—**

- ЖАРАЁННИ ЛОЙИХАЛАШТИРИШ^-

I
ТАРБИЯЧИ ~*ЖАРАЕННИ АМАЛГАОШИРИШ ~

ЖАРАЁННИ НАЗОРАТ ВА ТАҲЛИЛ^x ҚИЛИШ

Чизмада кўрсатилганидек, барча йўналишдаги тарбиявии ишларпингм технологияси ва хар бир аник ишларни ўтказиши, ташкил қилиш услубиёт^Л педагогот мақсад тушунчасидан бошланади, яъни педагогик максадга! мувофиқлик (ушбу иш нима учун ташкил килинган ва ўтказишшокда Я шунингдек, тарбиячи ва ўкувчи нимага эришиши керак?) ва педагоги^Л маҳорат (аник ишларни ўтказиши, тарбиявий жараснни ташкил қилиш^Л ўкувчиларни қизитириш, жараёнда мустақил қатнашиш ва ижодий ишлашга! истак ўйготиш учун турли усул ва услублардан фойдаланиш) ва уларнинг! натижаларини назорат ва таълими цилиши, умумлосптириши (ўкувчилар! нималарга ўргандилар?).

Тарбия жараёнини лойихалаштириш даврида тарбиячи ўкувчилар билан! ўтказилгаци лозим бўлган тарбиявий ишларни амалга ошириш чоғида! кўлланиладиган услуб, шакл ва усулларни танлайди. Сўнгра, аник тарбиявий! ишларга кўйилган максадларни амалга оширадилар. Кейинчалик, улар ишни! пазорат килиш, якунлаш ва таҳлил қилиш механизмини аниқлайдилар (Нима! маъкул келди? Нима маъкул келмади? Нега? Нима яхши эди-ю, нимадан воз I кечиш керак? Ким ажралиб турди?) ва хоказо.

Бу ишларнинг хаммасини умумлаштириб таълим муассасаларининг тарбиявий ишлар технологияси - таълим муассасаси шароитида кўйилган мақсадларни амалга оширишда ҳар бир аниқ тарбиявий ишни ўтказиш ва тахлил килиш учун қўлланиладиган услугуб шакллар йигиндисидан иборат эканлигини аникладик. Масалан, таълим муассасасида ўқувчиларнинг ўкиши ва тарбияси даврида гурухларда, факультетларда, университетларда, институтларда турли хил қизиқарли тадбирлар, байрамлар, танловлар, шунингдек, спортга, меҳнатга, ижодий ишга, бадиий мавзуга бағишиланган тадбирлар, машғулотлар, ўйинлар, сайллар, линейкалар ва бошка тадбирлар, ўтказилиди. Ҳар бир тарбиявий иш ва тадбирга мос уни тайёрлаш ва ўтказиш услуги мавжуд. Лекин, мазмунсиз услубиёт хам ўз-ўзидан мавжуд хам I

йди чунки тарбия жараёнини, энг аввало, тарбиявий ишнинг аник уни ^ шакли орқали амалга ошириш мўлжалланади. Шундай экап, аник обиявий ишнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги - уларни тайёрлаш ва иш тарбиячиларнинг ўкувчилар билан жамоавий фаолиятни ташкил килиши тарбиявий ишлар технологияси тизимиға боғлик.

Оцатда тарбиявий ишлар жамоавий ва ижодий табиатига эга бўлади ва мос равишда жамоавий тарбиявий ишлар (ЖТИ) ёки жамоавии ижодий ишлар (ЖИИ) деб номланади. ЖИИ - иш ва ўйин, ижод ва ўртоклик, хаётий умид ва хурсандлик билан тўлдирилган ва айни пайтда, асосий тарбиявий восита бўлган жараённи ташкил этиш усулидир. Тарбиявий ишларда тарбиячилар ва ўкувчилар ўзаро хамкорлигининг шакллари, воситалари ва усуллари уйгуналашиб кетади.

Тарбиявий ишлар асосида иккита: фаол ва мажмуавий ёндашувлар ётади. Ёндашувларнинг *биринчиси*, фаолиятнинг билиш, меҳнат, ижтимоий, бадиий, сгорт ва эркин мулоқот каби турли кўринишларини ташкил этишни талаб -^тади. *Иккинчи* мажмуавий ёндашув эса, фаолиятнинг барча кўринишларнинг ягона жараёнга таъсири билан табиий «кўшилиб» кетишида намоён бўлади. Тарбиявий ишлар, айни пайтда, ўзига ахлокий, эстетик, сиссий ва ақлий (интеллектуал) таъсирларни камраб олади. Фаолиятга оид ёндашув тарбия Йўналишига ишора килса, мажмуавий ёндашув - унинг мазмун табиатини (иедагогик мақсад (вазият, тарбиявий мақсаднинг асосии ва боғлик томонларини шакллантириш)ни; рсжалаштириш; ташкил этиш ва тайёрлашни; ишни бсвосита амалга оширишни; эришилган натижалар таҳлилини) белгилайди.

Б. Тарбиявий ишларминг манбалари. Тарбиявий ишлар амалга оширилаётган даврнинг ижтимоий вазияти - тарбиявий ишларни мақсадли кўзлашнинг ва лойиҳалашнинг муҳим манбаи хисобланади. Бу вазият мамлакат ва дунёдаги ижтимоий ҳодисалар, давлат байрамлари, юбилей саналари, ҳукумат карорлари, жамият ахамиятига эга бўлган ғоялар хамда махаллий ҳаётга доир ҳодисалар сабабли юзага келади. Тарбиявий ишларни ташкил этишнинг ва ўтказишнинг иккинчи манбаи бўлиб, тур сифатида шаклланадиган шахснинг зарурий фазилатларини ва ҳислатларини шакллантиришнинг педагогик татхиси сифатида хизмат қиласи. Яна бир манба - ўкув-тарбиявий муассаса маълум муддатга белгилаган ишларнинг умумий йўналигпидир. Мазкур манбалариинг муштарак ҳолати тарбиявий ишларни ҳаётбахш куч билан тўлдиради, уларнинг долзарб эканлигини ва муайян мақсадга йўналтирилганлигини аник белгилаб беради.

Асосий тарбиявий мақсад (купинча, ахлоқий тарбия мақсади) аник ишларга оид вазифаларни белгилаб беради. Ҳар бир ишда асосий гоя ажralиб туради ва у тарбия умумий йўналишининг (ақлий, жисмоний, меҳнат тарбияси ва б.) бири билан мос келади.

Мақсадни кўзлаш босқичида тарбиячининг вазифаси -- ижтимоий вазиятни баҳолаш, ўзининг тарбиявий фаолиятини асосий мақсадга бўйсундириш, тарбияланувчиларнинг келажакда муайян тарбиявий

таъсирларни кабул килишга тайёрлик даражасига ташхис кўйишдг иборатдир.

В. Тарбиявий ишларни ташкил этиш бўйича услугий тавсиялар:

1. Тарбиявий ишларнинг аниқ вазифаларини чукур англаш, уни* самарадорлигини оширишинт зарур шартидир. Мазкур вазифалар маҳорд билан талкин этилган ва тарбияланувчиларга етказилган бўлиши кера] Тарбиявий иш ташкилотчилари ўкувчиларга ўз нуктаи назарларид мажбуран ўтказмасликлари ксрак: тарбияланувчиларни зарур карорлари қабул қилишга (гўё ўз карорлари сифатида қабул килинадиганде(ишонтириш зарур.

2. Хар қандай тарбиявий иш ишchan ва мажмуавий йўналиш асоси[^] лойихалаштирилади. *Биринчи* йўналиш, юкорида таъкидланганмде! тарбияланувчиларнинг жонли, ижодии, кизикувчан фаолиятини талаб этад ва, зарурат туғилганда, тиришкокликни, харакатчан ишларни танлашг! Йўналтиради. *Некичиси* эса, тарбиячига бир вазифадан ҳар томонлам самара олишга имкон беради.

3. Тарбиявий ишлар жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган барЛ вазифалар турли аҳамиятга эга бўлишига интилиш шарт эмас, чунки тарбия тизимини бирданига бир неча мезонлар орқали оптималлаштириЛ (муқобиллаштириб) бўлмайди. Тарбиявий ишда, хар қандай ишдаги каби бош йазифа ажратиб олинади ва шу орқали қолган вазифалар ҳал этилади.

4. Тарбиявий ишлар мазмунини унинг вазифалари ва амалга оширици шароитлари билан боғлик ҳолда бслгилаб олиш ниҳоятда муҳимдир! Материал танланаётганда, у ўкувчиларнинг тарбиясига ижобий таъсири этим томонларига эътиборни каратиш лозим. Тарбиявий ишларда турли хатоларгЯ йўл кўймаслик учун тарбиячи ўкувчиларнинг карашларини ва кизиқишлиарни инобаттга олган ҳолда уларни ривожлантириши, шунингдеш уларга таяниб иш олиб бориши керак.

5. Мақсадга мувофиқ услублар, усувлар ва воситалар тарбиявий! ишларнинг ҳар бир босқичи учун а^{^^}охида лойихаланади. Бунда! услубларнинг имкон кадар фаоллик, ташаббускорлик, мустакиллик! тамойилларии таъминланиши назарда тутилиши лозим. Сустлик тарбиявий ишларнинг асосий душманидир. Шу боис, тарбияланувчиларнинг! хулки кузатилса, нимани узгартириш зарурлигини уларнинг ўзлари! айтадилар.

6. Тарбиявий ишларни тайёрлашда ташкиллаштиришнинг юкори! даражадаги аниклигига эришишга харакат килиш лозим. Ҳар қандай тарбиявий иш тарбияланувчилар учун «ташкилотчилик мактаби»га айланиши! керак. Тайёргарлик ташаббускорлик, талабчанлик, киришимл[^]илик! мажбуриятларни тақсимлаш маҳорати, вагшяларни тезда баҳолаги каби фазилатларни тарбиялайди, Ишни тайёрлаш ва ўтказиш жамоани | жипслаштиришнинг тўғри йўлидир!

7. Тарбиявий ишлар нусха кўчиришни ёқтирумайди. Узгарувчанлик ва харакат доирасининг кенглиги тарбиявий ишларнинг фаркловчи белгиларидир. Синфларнинг, айрим ўкувчиларнинг бир-бирига

шслигидан кенг фойдаланишга интилиш яхши натижа беради. Т обиявий ишларни лойихалаш чогида, бир синфда мұваффакият келтирған 1иба иккінчисіда айнан шундай натижаны бермаслығи мүмкінлігини эсде тутиш керак.

Я Тарбиявий ишлар турли-туман булиши керак. I ароияланувчилар ёрқин ишларни узок әслаб юрадилар, шу боис бундай ишларни тақрорлаш маъксадга мұвоғиқ әмас, чунки у аҳамияттің йўқотиши мүмкін. Тарбиявий ишларни ҳар доим янгисини топиш қийин, аммо уларни топишга ҳаракат •илиш зарур- Тарбиявий ишлар захирасида кўплаб қизикарли тадқиқотлар мавжуд ва бу тақрорламасликни, аксинча, аниқ шароитлар билан мұвоғиқпаштирган ҳолда ўқувчини ривожлантиришни кафолатлайдн.

9. Тарбиявий ишлар хис-туйгуларнинг кудратли катализатори каби юйихалаштирилади. Маълумки, ҳаяжонга тушган киши ниҳоятда таъсирчан бўлади. Ҳар бир тарбиявий ишда тарбияланувчига яқин, ҳамоҳанг бўлган жиҳатларни топиш ва унда изжобий хислатларни ривожлантириш, мустахкам хаёт тарзини шакллантириш, тарбиявий ишлар маданияттини ОШИРЙШИНГ мухим йўлларидан бири бўлган ўраб турган дунё ҳакиқатини тўғри тушунишга ёрдам берадиган килиб етказиш керак.

Г. Тарбинвий ишларни режалаштириш босқичи. Тарбиявий ишларни режалаштириш босқичи максадни кўзлаш босқичидан кейин бошланади ва ундан фақат назарий жиҳатдан фарқланади, аммо амалий жиҳатдан бу ажралмас жарасндири. Бу босқичда тарбиячилар олдида: тарбияланувчилар билан бирга фаолият йўналишишг барча қисмларини аниқлаш, иштирокчилар орасида мажбуриятларни тақсимлаш, уларни қандай қилиб бажариш лозимлігини курсатиш каби мухим вазифа^ар ҳам туради.

Тарбиявий ишларни режалаштириш бўйича тавсиялар:

1. Тарбиявий ишларни ташкил килишда тарбияланувчиларнинг тайёр-гарлик даражасига таяниш, уларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини имкон даражасида кенгрок қамраш лозим. Чунки, ишнинг фавқулодда мураккаблиги тарбиячи ниятининг ўқувчилар томонидан англаб етолмаслигига, ишнинг нега ва нима учун бажарилиши ҳақидаги ноаник тасаввур эса, тарбиявий ишни қуруқ расмиятчиликка айланиради. Кейинги ишга кизиқтириш енгил кечмайди.

2. Тарбиявий иш - жамоатчилик иши. Тарбияланувчиларга режа тузишнинг ниҳоятда масъулиятли машғулот эканлигини, тарбияланувчи ишлаётган ҳар бир бўлимнинг бошқа бўлимлар билан албатта боғлиқлигини ва бир-бирини такозо этишини хис қилишига имконият беринг. Режалаштириш, албатга, жамоавий характер касб этиши зарур.

3. Режалаштиришнинг тармокли услубиёти, кўргазмали, осон ўқиладиган ва тушунарли чизма режалар тузиш услубиётлари билан танишинг. Тарбияланувчилар билан уларни ўрганинг, уларни меҳнатнинг бошқа турларини режалаштиришда тармокли чизмани қўллашга ўргатинг.

Ишлаб чиқариш фаолияттни ташкил этишнинг умумий назарияси технология таянадиган олтита коидани тақдим этади ва улар тарбиявий

о
ишиларни ташкил этишда тарбиячи гомонидан албагга хисобга олиниш зарур.

Д. Тарбиявий ишиларни ташкил этишнинг асосий қоидалари:

- бажарилиши лозим бўлган ишиларнинг мақсадини аник белгила! хдракатни бошидан охиригача яхлит тасаввур килиш (пимага ">риши керак?");
- кўйл остидаги ҳар бир киши учун аник вазифаларни бслгилаш (канда ҳаракатлар воситасида эришиш мумкин?);
- кутилаётган иш учун барча зарурий нарсаларни тайёрлаш (нимала ёрдамида эришиш мумкин?);
- натижаларни аниқлаш учун муайян мезонларни белгилаш (эришилг! микдор канча?);
- жавобгарлик, унинг эгаси ва ҳисбот вактини таксимлаш (максадг эришилганликни нима билан рағбатлантириш мумкин?);
- ташкилий тизимни уюштириш воситаси сифатида ижрочиларга йў! йўриқ кўрсатиш (қандай килиб эришиг мумкин?).

Тарбиявий ишиларни уюштиришда иштирок этиш **шахснинг муҳия хислатларини** тарбиялади.

Мазкур босқичдаги тавсиялар куйидагicha:

- тарбиявий ишиларни ташкил этишда иштирок этаётган ҳар биш кишининг ҳукуқ ва мажбуриятларини аник белгилаб беринг. «Ҳокимли| ҷизиги»ни белгилаб олиш ниҳоятда муҳим: ҳар бир ижрочи белгилапга! шахсга ўз ишиларининг натижаси бўйича жавоб бсрди. Ҳокимлик биш рақбарнинг қўлида жамланган бўлади, «Қўшҳокимиятчилик»ка йў: кўйилмайди;
- ҳар бир иштирокчига унинг имкониятларига ва ҳоҳишига мос келувч! битта вазифа ажратинг. Топширикларни мажбурламанг. Тарбиявий ишд: иштирок этишнинг ихтиёрий эканлигини таъкидланг;
- тарбияланувчиларнинг ташкилотчилик кобилиятига эга эмаслигиш хисобга олинг. Тарбиячига тушунарли ва енгил бўлган иш тарбияланувч! учун ҳам ҳар доим шунчаки бўлмаслиги мумкин. «Енгилдан - мураккабга» коидасига амал килинг. Тарбияланувчиларни муваффакият қозонишип бўлган ишончини қуллаб-куватланг, яхши натижা билан тугашига ишон¹ уйготинг.

Ташкилотчилик тарбияланувчиларнинг кучини бир неча бор оширии имкониятига эга эканлиги ҳакидаги фикрга ўргатинг. Яккана-якка ҳаракатларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган «ташкилотчилик самараси»ни мисоллар билан кўрсатинг.

Е. Тарбиявий ишиларни ташкил этишни бошқариш. Тарбиявий ишиларни амалга ошириш босқичида тарбиячининг масъулияти муқимдир. *Биринчидан*, дастурда кўзда тутилган ишиларни тайёрланган сценарий асосида боришига эрипгади, унга тузатишлар киритади, диспетчерлик вазифасини амалга оширади ва жараённи кузатиб боради. *Иккинчидот*, тарбиячи бутун жамоа ва айrim тарбияланувчиларни кузатиб борган ҳолда, уларда муайян фазилатларни ривожлантиради, бу фазилатларнинг шаклланганли! '

апажасини аниқлашга имкон беради ва тарбия соҳасида килинадиган гларнинг стратегиясини белгилайди. *Учинчидап*, тарбиячи ташкилий масалаларнинг аник хал этилишини кузатиб боради.

Умуман, тарбиянинг бу босқичдаги бошқарув фаолияти оддий дарс мобайнидаги айни шундай фаолиятдан мураккаброқлиги билан фарқ қиласди. Бу мураккаблик тарбиявий ишни бошқаришда қисобга олиш, назорат килиш ва кўплаб омилларга тузатишлар киритиш лозимлигига намоён бўлади. Бу борада мураббийнинг тарбиячи ва ташкилотчи сифатидаги ўрпи:

тарбияланувчиларни ўзининг иштироки билан бўғиб қўймаслик;

тарбияланувчиларга ўз фикрлари ва хиссиётларини эркин ифодалашлари учун халақит бермаслик;

- ходисаларнинг ривожини диккат билан кузатиш ва унинг номақбул йўналиши олиши ҳамда назоратдан чикишига йўл қўймаслик;

- номақбул ҳаракатларни оқилона ва ўз вақтида тузатиш;

- ўтаётган жараённи сездирмасдан қайд этиб бориш;

- педагогик назокат билан натижаларни эълон қилиш, жамоавий муҳокама ёки яккама-якка педагогик таҳлил қилиш, ютуқ ва камчиликларнинг сабабларини очишларда белгиланади.

Тарбиявий ишларни таҳлил қилиш мобайнида бир-бири билан мазмунан боғлиқбўлган қўйидаги саволларда фойдаланиш мумкин:

1) Тарбиявий ишларни тайёрлашнинг ва ўтказишнинг барча ҳолатлари режакда ўз аксини топганми?

2) Даҳсур мазмуни кўзланган мақсадга жавоб берадими?

3) Тарбиявий ишларни ташкил этиш даражаси кўзланган мақсад, вазифа ва талабларга жавоб берадими?

4) Режалаштирилган барча меъсрлар етарли даражада манбалар билан мустаҳкамланадими?

5) Тарбиявий ишнинг қайси қисми яхшиrok амалга ошди, нима учун?

6) Тарбиявий иш давомишишги вакт нуқтаи назаридан ўзгардими?

7) Ким ва нима учун муддат ўзгарди?

8) Тарбиявий ишлар бир тизимни ифода этдими ёки қисмлари номигагина боғланган тўпламдан иборат бўлдими?

9) Янгилик самараси сезилдими?

10) Тарбиявий ишнинг хис-туйғулик «бўёғи» унинг гоясига жавоб бердими?

11) Ишнинг сифати, ўқувчиларнинг унга муносабати қониқардими, қайси саволлар уларни ўйлашга мажбур этди?

12) Тарбиявий ишда иштирок этган жамоанинг ҳар қайси аъзоси кандай баҳога лойик?

13) Укувчиларнинг хулки кандай эди?

14) Нима учун ўқувчиларнинг айримларида у ёки бу педагогик ҳаракатга нисбатан қаршишк кўрсатиш аломатлари пайдо бўлди?

15) Нимадан воз кечиш керак?

16) Кейинги тарбиявий ишларга кандай янгиликлар қўшиш мумкин?

Юқоридага фикрларга тарбиявнй технология йўналиши сифати караидиган бўлса, у куйидаги умумий белгиларни аниклаб беради:

- тарбиявий таъсир тарбиявий ишлэрнинг мажмуаси сифатвда ўзиц уйинлар, тарбиявий сухбатлар ва яккама-якка маслаҳатларнинг унсурларвд камраб олади;
- хар бир иш ҳар бир тарбияланувчининг ахлокий, ижтимоий ва бош] фазилатларининг шаклланганлик даражасини компьютер оркали ташха этиш билан бошланади;
- тарбиявий таъсир тап(хис этиш натижаларининг фаол тахлили в идеал шахс билан қиёслаганда муайян фазилатларнинг шаклланганли даражасига етганлигини англаш билан юзага келган «жамоавий кайгуриш: самараси билан кучайтирилади;
- тарбияланувчилар кишилар орасида хаёт учун зарур бўлга! фазилатларни ўзлаштирадилар, ўзларини англашга ўрганадилар, ўз-ўзларин камолга етказиш йўлларини тасаввур киладилар;
- шахсий камолотга этиш дастури (ташхис этиш натижаларидан катъин язар) яккама-якка маслаҳатлар, тарбиявий ишларни ташкил этиш натижасида мустахкамланади.

2-§. Тарбиявий ишлар жараённида қулланиладиган педагогик таъсир ; этиш усуllibар

Тарбиячилар ўз иш фаолиятлари давомида асоей эътиборни доимиш равишда ўкувчилар тарбияси, хулк-атвори, тартиб-интизомига тузатишлар киритишлари, улардаги керакли шахсий хислатлар ва табиатларидапш кирра^тарни ривожлантиришлари, мавжуд камчиликларини бартарафи килишга қаратишлари лозим. Бундай жараённи ташкил этишда тарбиячилар педагогик таъсирнинг турли усуllibаридан фойдаланишлари мумкин.

Педагоги таъсир усули - бу аниқ педагогик ҳолатларни ташкил килиш I усулидан иборат бўлиб, унда маълум конуниятлар асосида укувчиларнингв ижобий ишларидан ўз камчиликларини йўқотишга ундовчи янги фикрлар ва! хиссийётлар уйғонади.

Тарбия жараённида зарур педагогик таъсир усулини танлаш учун! ўкувчининг ҳиссий ҳолати, харакатининг табиати ва сабаби олдиндан I аникланиши лозим. Бу, ўз навбатида, ушбу харакатнинг психологик тахлили, I унинг ўкувчи шахсияти билан яқин алоқасини кўриб чикиши талаб килади.]

Педагогик ҳолат тарбиячининг ижодий фикрларига биноан яратилади.] *Биринчидан*, тарбиячи фойдаланишни мўлжаллаган таъсир усулини амалга ошириш учун мос шароитларни ҳаёлан танлаши керак. *Иккичидан*, тарбиячи \ ўз мўлжаллаган иши ва хулкини ўкувчининг харакатига бўлган муносабатига биноан мос равишда ўйлаб чиқиши лозим.

Педагогик таъсирнинг ҳар бир усули ўзига хос хусусиятларига эга бўлиб, улар иккита унсурнинг ўзига хос бирлигидан вужудга келади: а) яратилаётган педагогик ҳолатлар хусусиятлари ; б) янги педагогик ҳолатга

I вчиларда түгиладиган янги фикрлар, тарбиянинг янги сабаблари ва иахсий камчиликларини енгиб ўтишга асос бўладиган хиссиётлар мазмuni •20-22].

Педагогик таъсир усуулзрини иккита гурухга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳ усууллари ўкувчини илҳомлантирувчи ижобий хиссиётлар «осида унинг аҳдок-одоби, тарбияси, тартибига ўзгаришлар киритади, булар оғсанчилик, миннатдорлик, тарбиячига хурмат, ўз кучига ишончдан ^борат.

Иккинчиси - уятчанлик, эпиззлик, хафсаласизлик, ўқинч, хафагарчилик, •ачиниш каби салбий хислатларни йўкотишга ёрдам берадиган усууллардир.

Ижодий фаолиятда нафақат ўкувчилар тарбиявий ишларининг яхши •натижаларига эришилади, балки тарбиячидарни ўзларининг шахсий |хиссиётлари хам рипожланади. Педагогик таъсир кўрсатиш усуулларини |кўллаш жараёнида тарбиячининг гоявийлиги, табиатидаги инсонпарварлик, • ме^фионлик, сезигирлик каби, табиатининг чидамлилик, ўз-ўзини бошкара |олиш, мақсадга интилувчаник, тезкорлик, ташаббускорлик каби хиссий [кирралари хамда табиатининг топқирлик, зийраклик, ақлий баркамоллик, I кузатувчаник каби ирода кирралари кўзга ташланади.

Тарбиявий усуулларни эгаллаш ва уларни иш жараёнида тадбик этиш (тарбиячининг тарбия мақсадларини янада мақсадли ва кулаг бўлишига ёрда.м I беради.

Педагогик таъсир усуулларидан фойдаланиш аник тамойилларга риоя қилишга асосланган. Бу тамойиллар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин:

- педагогик оптимизм;
- ўкувчиларга курмат;
- ўкувчининг руҳий холатини тушуниш;
- ўкувчи табиатининг ташки хусусиятлари ва сабабларини очиш;
- ўкувчининг тақдирни билан қизикиш.

Педагогик оптимизм. Тарбиячилар юкори оптимизм, яъни кслажакка катта ишонч билан мустақил Узбекистон Республикасининг янги қонунларини ҳаётга татбик килмоқдалар. Укувчилар шахсиятининг чексиз имкониятларига ишонган тарбиячиларнинг педагогик оптимизми, айниқса, турли ёшдаги турли ақлий даражадаги ўкувчиларга нисбатан, уларнинг дам олиш ва ўкиш коидаларини, шартларини ташкиллаштиришда яккол кўринади.

Укувчиларга хурмат. Инсонга хурмат - инсонларо муносабатларнинг асосий талабидир, Тарбиячининг фаолиятида ўкувчиларга хурмат алоҳида ўрин тутади, уларда ишонч, самимилик, катталариинг маслаҳатдарига ва таклифларига мойиллик уйғотади. Кўполлик, ўкувчилар шахсиятига хурматсизлик, ўкувчиларда уларга жавобан хафагарчилик, ғазаб, хаттоки, баъзи нарсаларни атайлаб тескарисини килишга интилишни тугдиради. Бундай пайтларда ўкувчилар хатто адолатли талабларни оажаришдан хам бош тортадилар. Тарбиячига бўлган бундай муносабат

баъзан улар олиб бораётган фанга, ишга, машғулотга, ҳатто ўзи таҳД олаётган таълим муассасасига, ўкув хонасига бўлган муносаб'атга кўчади. I <

Ўқувчининг руҳий ҳолатини тушуниши. Укувчилар хулкинЛ,' бузилишини, тарбиясидаги салбий ўзгаришларни сезиш кийин жараён эмА Тарбия жараёнига педагогик таъсир усулини тўгри танлаш учМ ўкувчиларнинг тартиббузарлик сабабларини ўрганиш керак, чунки шахснЯ] турли психологик ҳолатларининг ташки кўриниши бир хи_1 бўлади. Масалам ўкувчининг гурухдаги фаоллигининг сусайишининг асосий сабаблари, униЛ инжиқлиги, кўз ёшлари, уйдан чикиб, узокрокка кетиши ва ота-онасиД узокда (баъзи ўкувчиларнинг турар жойларда) истиқомат қилишидан иборв бўлиши мумкин.

Укувчининг руҳий ҳолатини тушуниш учун тарбиячилар ўкувчилЛ шахснинг фазилатларини, хусусиятларини, уларнинг яшаш шароитлариЛ билишлари ва чукур таҳлил килишлари керак. Тарбиячининг кузатувчанлиЛ ва сезирлиги ўкувчининг хулқида намоён бўлаётган руҳий ҳолатим тушунишга ёрдам беради.

Ўқувчи ҳаракатларининг сабаблари ва ташки хусусштларини очишиши. Ўқувчиларнинг ҳаракачлари етакчи, тарбиячи, жамоа, атрофдая инсонлар томонидай яхши, олийжаноб ёки ёмон деб баҳоланадЛ Тарбиячининг ўкувчига бўладиган муносабат (ёндашув)лари, уларним ҳаракатлари табиатига боғлиқ. Уқувчи ҳаракатларини тўгри баҳолаш учуя ҳаракат мөҳиятини, яъни ички сабабларини очиш лозим. Кўпинча ўқувчилЯ ҳаракатипинг ички сабаблари ташки кўздан яширган бўлади, яъни ташЯ томондан дарров кўринмайди. Уларни тарбиячи томонидан тушунишЯ баъзан ўкувчининг ўзи катта ёрдам бериши, яъни бўлган воеа хақида ўЯ курмат киладиган тарбиячисига очик гапириб бериши мумкин. Тарбиячи бундай ёмон ҳолатни келтириб чиқарувчи ташки ҳолатлардан хуИ сабабларини ажрати олиши лозим.

Ўуувчишиш тақдирта ҷишиши. Таълим муассасаларида отт бориладиган тарбия мобайнода ўкувчиларнинг тақдирига кизиқипи тарбиячиларда ўкувчиларга мухабbat ва уларнинг тақдирига жавобгарли! хисси туфайли ривожланади. Тарбиячилар хар бир ўкувчининг тақдири! айникса, гуруқ ҳастидан кониқиши косил килмайдиган, гурухдошларидан ётсирайдиган ва гурух ишларидан ўзини олиб қочадиган ўкувчилар тақдири билан қизиқишлири лозим. Лекин ўкувчининг тақдири билан астойидид ташвишланган ва унга ёрдам беришни хоҳяаган тарбиячилар ўкувчиларга месхрибонлик, уларга эътибор ва ғамхўрликларини кўрсатишлари учун дастлабки омадсизликдан чўчимасликлари, турли янги усулларни излашларя лозим. Тарбиячиларнинг кундалик фаолиятларидаги ўкувчига ғамхўрликларш хайриходик муносабатлари ва педагогик таъсирнинг усулларини тўғри танлашлари ўкувчиларда ўз тарбиячисига мухабbat, садокат, улард^ хурсандчилик хоҳишини уйғотади, шунингдек, янги ижобий хислатларни ривожлантиришга ва салбий хислатларни йўқотишга ёрдам беради.

[^]нпи тарбиячиларнинг ўкувчиларни тарбиялаш жараёнида ланишлари мумкин бўлган педагогик таъсир усулларидан баъзилари йлан таништирамиз:

Ишонтириш - бу аник хулк-автор ёки кайсиdir ишни мумкин .слигини, тўғрилигини ва зарурлигини исботлаш ва тушунтиришдир. [шонтириш жараёнида ўкувчиларда ён-атрофидаги инсонларни хатти-1 катларини ва ўз хулкларини баҳолаш мезонларига мос бўладиган хлокий карашлар шаклланади.

Ўкувчини иш билан ҳам, сўз билан ҳам ишонтириш мумкин. Уқувчини 1шлатии1 оркали ишонтириш жараёнида тарбиячи исботланаётган қолат, ;азият ва муаммоларни, ҳаётий тажриба шароитларидан келиб чиккан ҳолда, 1ратади. Ишонтириш таъсир усули ўкувчи хулкини тузатувчи усул бўлиб шзмат килиши мумкин. Сўз билан ишонтириш жараёнида, ўкувчиларга йўл қўйилган хатолар табиати ахлоқий меъёр нукгаи назаридан тушунтирилади. Ишонтириш усули самимийликни ва жўшқинликни талаб киласди. Бу жараёнда тарбиячиларнинг кечинмапари укувчиларга ўтади. Ишонтириш бндан ихлос туғдириш усуллари жуда ўхшаш, Бу усулларнинг ўхшашилиги ишонтириш ҳам, ихлос туғдириш қам сукбат оркали амалга оширилишидан иборатлигидадир, лекин ихлос туғдиришда тарбиячилар ўкувчи килаётган хатти-харакатларининг түгри ёки хатолигини исботгламайдилар. Бу жараёнда улар тарбияланувчига ўз фикрларини сескин ва оҳисталик билан айтадилар. Ўкувчи тарбиячининг сўзларини тинглаб туриб, уз ҳатти-харакатини танқидий баҳолай бошлайди ва ўз хулкини туғрилашга харакат киласди.

2.1. Бузғунчи ғояларга ва ёвуз кучларга қарши курашда ишонтириш услубининг ўрни

Бутун дунсда ҳар хил ғоялар, мағкуралар кураши давом этмоқда. Бегона ақидалар> ёт ғояларнинг юртимизга ташқаридан сукулиб киришига қарши курашни бир дақиқа ҳам сусайтириб бўлмайди. Халқаро тсроризм, ашаддий жангарилик, диний экстремизм, гиёхванд моддалар савдоси каби бало-казоларнинг инсон ҳаётига тажовузи билан бир қаторда, ички таҳдидлар ҳам мавжуд. Ташқи ва ички мағкуравий таҳдидлар бир-бири билан узбвий боғлиқ.

Ғоявий-сисбий, аҳлоқий-маънавий, хукукий ва бошқа тушунчаларни шакллантиришга йўналтирилган услублар ишонтириш услублари деб аталади. Бошкача килиб айтганда, ўкувчиларюш тарбиявий ишлари билан шу[^]удланётган тарбиячиларнинг укувчиларда ғоявий-сиёсий, аҳлоқий-маънавий тушунчаларни шакллантириш, бу тушунчаларни уларнинг ишонч-эътиқодига айлантириш ва онгларига, хиотуйғударига, иродасига таъсир этиш мақсадида кўлланадиган услубиётлар ишонтириги услубиётлари Деенилади.

Ишонтириш услубиётининг асосий шаклярн - -тушунтириш, уқтиргт^{*} ғоявий-сиёсий хдмда аҳлоқий мавзуларда - сухбатлар, маър[^]залар,¹ мунозаралар ташкил этиш, учрашувлар խошибтириш, ба[^]иий асарлар билан гаништириш, телевидение кўрсатувларини ва теа-ц[^].спектаклларцци кўрипГ

-У-^ОУ^-К
^ ^

";"а8гъг;
ппм"»гти "дмнн" -"

ҳамда тахлил қилиш ва ш.к.лардан иборат. Тарбиячи-мураббийлар вазиф! ўкувчи-ёшлар билан ўтказиладиган сухбат ва учрашувларда, ўқилася маърузаларда душманларни мафкуравий куролсизлантириш - уларнинг ол кираётган карама-карши ғояларини, уйдирмаларини фош қилиш, пул чиқариш ва одамларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан ибои Бундай вазифларни амалга ошириш ёшлар тарбиясига салбий таъа курсатувчи таҳдидлар, хатарлар (*халқаро терроризм, дини экстремел гиёхваидлик моддалар тажсовузи, ОИТС, эгоцентризм, аҳлоқсизя фалсафаси, "Дунё фуқаролари" - космополитизми ва ш.к.*) ва улар нимзларни қарши кўйиш (*фарзандларни асрот, ҳушёрлик, ёшларни хот цуроллантириши, мафкуравий иммунитетни кучайтириши, таҳдида моҳиятини oddиҳ сўзлар, ҳаётий мисоялар билан тушунтириши, милм келажаги учун масбутиятини гиакллантириши, иродапи, эътикоф, мустаҳкамлаши, онгли яшашига ўргатиши, ахборотли тажсовуз моҳшини очиб берииш, никоуши мустаҳкамлаши ва ш.к.*) мумкинлиги ҳақида маълумо' эга бўлишга имконият беради. Мафкуравий иммунитет - бегона, ?арарл ғоялар, мафкуралар билан тўқнаш келгакда, унга нисбатан ўз муносабати билдира олиш, унга қарши курашишга ғоявий, маънан тайёр бўли имкониятидир. Ҳар бир одам, аввало, ҳар бир ёш ўзининг]- мустақил фикрм •зга бўлмагунча, бундай иммунитетни шакллантириб бўлмайди. Ишонтиш усулининг ижобий натижаси тарбиячиларнинг ўкувчилар олдидаги обрўЧ ва ўзаро тўғри муносабат ўрната олишлари билан намоён бўлади.

Хозирги кунларда таълим муассасаларида тахсил олаётган ўкувчилар[^] бегона, вайронкор ғояларнинг ;;арари ҳақида уларнинг мустақил фикрин шакллантириш соҳасида қатор самарали ишлар олиб борилмоқда, бу жаренд тарбиячилар томонидан турли-туман кулай усуслар изланмовда.

Ушбу кўлланманинг кейинги бўлнимларида ана шундай услубисчла иш шаклларидан баъзи-бирларини тайёрлаш, ўтказиш ва таҳлил кили услубиёти бўйича амалии тавсиялар келтирилади.

Ragbat - тарбия услубларидан бири бўлиб, хулқни тузатишг тўғирлашга ердам берувчи усуздир. Корректировка (тузатма, тузатвд тўғрилаш) - катта маънога эга: *биринчидан*, у инсон хулкининг ижоби шаклларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, *шкипчидан*, рағбатлантирилга ҳатти-ҳаракат атрофдагилар учун аҳлоқ намунаси бўлиб колади,

Рағбат ўкувчига коникиш, хурсанд бўлиш, фахрлания илхомлантириш, ўзини янада яхши тутиш хохишини уйғотади, ўз қадрин билишни ўргатади, жамоа олдида обрўсими оширишга имконият яратад* маънавий ёрдам беради, иродасини мустаҳкамлайди.

Рағбат ҳакконий бўлиши керак. Ўқувчини рағбатлантирипн тарбиячи унинг ўлчовини билиши лозим. Фақат маълум бир ўқувчиларн доимий равишда рағбатлантириш, уларда худбинлик ва манманлШ холларини ривожланишига олиб келиши мумкинлиги тарбиячининг ёдидая кўтарилмаслиги даркор.

Рағбатнинг бир неча турларти ажратиб кўрсатиш мумкин: *Ижобга баҳо берииш - ўкувчининг тўғри иш киластганлигини тасдикловчи кисй*

г>л пин» «Тўгри», «Яша» ва ш.к. луқмаларда ифодаланади. *Мақтov - чининг хатти-харакатини, ишларини таҳлил килувчи анча кенг пънодаги баҳодир* (масалан, «Аҳмад яхши харакат килди, гурух ҳаётида л катнаша бошлади», «Лола нафакат фаол, балки барча топширикларни билан ижодий ёндашиб бажаради» ва ш.к.лар). *Мукофот* аича шарли рағбат бўлиб, ажойиб ютуқларни, хатти-харакатларни белгилашда кулланади. Тарбиячининг ўкувчиларга бўлган ишончидан гувоҳлик берувчи ачмуунан кизикарли топшириқяар баъзан уларни илхомлантиради. Ишонч ўкувчилар томонидан яхши хулки учун ўринли мақтov сифатида кабул килинади. *Ижобий муносабатни билдириши* ўкувчилар томонидан таобиячини ёқтиришлари, уларнинг меҳрибонликлари, самимий табассумлари, дўстона харакатлари, ўртоклари билан ҳамкорликдаги ва биргаликдаги ўйинлари, саёҳатлари киради. Бундай муносабатлар ўкувчилар томонидан мақтov сифатида қабул килинади. Рағбатнинг *меҳрибошик, эътибор ва замхурлик* каби турлари, кўпроқ ўкувчи хафа бўлган ҳолларда жуда зарур бўлади, чунки оғриниш ва хафагарчилик, ғазабланиш, хар бир ишни атайлаб бузиш, қасд олиш ҳолларини тугдирали. Хафаликнинг сабаби хар хил бўлиши мумкин: оиласдаги ёмон ҳолат, ота-онанинг ўкувчига бўлган жуда қаттиқўл муносабати, гурухда, мактабда тез-тез турли сабабларга кўра мухокамада бўлиши ва жазоланиши.

Тарбиячининг айбланувчига нисбатан бўлган меҳрибонликлари, эътибори ва фамхўрликлари ўкувчидаги кучли жавобгарлик ҳиссини уйғотади. Бундай ҳолларда ўкувчи тарбиячининг самимийлигини сезиши керак. *Илтимос* - инсонларро муносабатларнинг энг кўп тарқалган кўринишидир. Ишонч руҳий хусусиятлари жиҳатидан ўкувчилар ва ўсмирларга педагогик таъсир сифатида хизмат қиласди. Тарбиячилар томонидан ўкувчиларга ёрдам бериш имкониятини берувчи илтимос, ўкувчиларни илтимосни бажаришга тайёргарликка чакиради, турии кийинчлиликни енгib ўтишга кучларини сарфлайди, шу билан бирга уларда қувонч, илхом ва хатто фахр уйғотади. «Илтимос» тарбиячига ўкувчилар билан яқиплашишга, улар билан ўзаро самимий муносабат ўрнатишга ёрдам беради. Илтимос аник сўзлар воситасида ифодаланиб, илтимосни акс эттан сўз оҳанг - асосий маъно касб этади. Худди шу сўзлар бошкача оҳанг билан айтилганда, буйрук шаклини олиши мумкин. Илтимосни инсонпарварлик хисларини уйғотувчи усуллардан бири деб караш мумкин.

2.2. Педагогик таъсирда тарбиячиларнинг маҳорати

Укувчилар томонидан гаълим муассасасида тартибининг бузилиши тарбиячининг хали обрў-эътиборга, ўкувчиларнинг етарли хурматига эга эмаслигидан ҳам бўлиши мумкин. Тарбиячиларнинг педагогик таъсир - охасидаги малака ва маҳоратлари, ўкувчиларда хайрат уйғотади тарбиячиларнинг обрўсини тан олишларига ва келажакда уларнинг хулқида ижобий узгаришлар птклланишига олиб келади.

Педагогик таъсирнинг бундай усулидан фойдаланиш учун тарбияч! нафакат ўз ишларини чуқур билишлари керак, балки бошқа соҳалардан боҳабар бўлишлари хамда малака ва кўнкимага эга бўлишлари, бир сўз б! айтганда, ўз ишларининг устаси бўлишлари керак. Тарбиячиларнинг соҳада усталиклари ўкувчилик учун кутилмагандан намоси бўлса, кўринс ҳолда уларда таассурот янада кучаяди.

2.3. Маънавий кўллаб-куватлаш ва ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш

 - > Гурух томонидан қабул килинган қоидаларни тартибга солишга кўмаклашиш.
 - > Гурух қўйилган мақсаддан четга чикиб кетган ҳолларда, вазиятни кайтадан тушунтириш.
 - > Тренер-тарбиячининг вазифаси гурухни аник бир фикрга келтириш, аник хulosा чиқариб, мухокамага эршипиш.
 - > Тренер-тарбиячи - гурух аъзоларининг ўзаро фикр алмашилари ва ўқитиш жараёни самарадорлигини оширишнинг ташкилотчисидир.
 - > Тренер-тарбиячи барча гурухлар ишининг самарадорлигига жшобгардир, у бирон-бир гурухга ёки якка шахсга ён босмаслиги лозим.
 - >- Тренер-тарбиячи хар бир мухокама жараённида муаллақ холатда бўлиши керак хамда ўзининг фикрини ўтказишга харакат килмаслиги лозим.
- Шундай қилиб, тренер-тарбочи фаолиятининг асосий мазмуни -ўқув-семашар тренингидага мақсадга эршииги учун бериган аниң тотишириқ итрофида гурух аъзоларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилишдан иборат.*

Фойдали маслаҳатлар (ёндашув):

- > Ҳар бир кишининг бирон фойдали фикр кўша олишига ишонч ҳосил килиш;
- > Ҳар бир гурух ўзи муаммосини ўзи хал қила олишига ишонч ҳосил килиш;
- > Ҳамма тингловчиларнинг кизиқишлигини ва талабларини хурмат ьсилиш;
- > Энг мухими, жараённинг ўзи эканлигига ишонч ҳосил килиш.

Зарарли сндашувлар:

- > Кишилар ва уларнинг карашларини танқид қилиш;
- > Гурух билан келишмасдан туриб, хulosा чиқариш;
- >• Гурух хохишига қарши уларни бирон **ишини** бажаришга мажбур килиш;
- > Ўзини жуда кўп гапириши;
- > Гурухни ўзи хulosा чиқаришига ундаш.

Топширик қанчалик тўғри бажарилаётганлигини билиш учун ҳар бир тингловчининг олдига келиб туринг, бажарайтган иши билан қизиқинг.

1.2. Тренерларга масляҳатлар

Саволларга жавоблар:

- тўғри бўлиши керак;
- иккиланмасдан ўйлаш учун вакт сўранг;
- саволга кўнишиб ва вактдан ютиш учун саволни бошкacha шакллантиринг;
- гурухда берилган саволлар бўйича, уларга ўз фикрларини оилдиришини таклиф қилинг;
- саволларга жавобни билмаслигингизни тан олишдан кўркманг;
- Сизни жавобингиз тўғри қабул қилинганлигига ҳамиша ишонч хосил қилинг.

Қўшимча маълумот олиш учун саволлар қўйиш қобилияти:

- саволни биттадан беринг;
- саволлар қиска ва аниқ бўлсин;
- очик саволлар беринг (яъни, изоҳлар билан тўлик жавоблар талаб киладиган);
 - мазмунини чукур ўрганинг;
 - жавобга вакт беринг;
 - сұхбатдошингиз ўйлаб кўриши ва Сизга кўпроқ маълумот бериши учун хотвржамлик билан сукут сақланг;
 - қабул килишини текшириш учун саволлар беринг.

Фаол эшитиш қобилияти:

- қулай мухит яратинг;
- имо-ишора, пантомима, тана "тили" ёрдамида ўз дикқатингизни гаъкидланг;
- кўриш алоказаларидан керакли даражада фоидаланинг.
- бир оз ўзгаририб, ифода қилинг;
- асосий ғоя буйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг.
- изоҳловчи саволлар беринг;
- асосий хиссиётлар бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг;
- қискача қилиб, асосий ғояни тушунтиринг.

Жавоб бериш қобилияти:

- ўзига хос хулкни тенгглаштиринг;
- ўзига хос хулкни тасвиirlанг;
- бу хулкнинг таъсирини тасвиirlанг;
- ушбу хулқ пайдо киладиган барча хиссиётларни тасвиirlанг;
- хулкни тахлил килишини гурухдан сўранг;
- барча гурух бир нарсани тушунганига ишонч хосил қилинг;
- ижобий нуктаи назарни қабул қилинг.

1.3. Тренингни ўтказиш услубиёти

А. Тренинг олиб бориш малакалари.

Тренинг - мазмундаги янги бўлимлар ва янги услубиётларни катталарга ўқитиш учун интерфаол форматдир.

Новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қарашиба хоказо):

1. Гапираётганингизда хар бир тингловчини кўз остингизда тутинг. Ҳаммага бир хил эътибор бсринг, Сиз гурухдаги баъзи одамларга хайриҳоҳ бўлиб колманг.

2. Хонада гурухдинг дикқатини бузмасдан ҳаракат килинг (тез-тез ва максадсиз юришлардан кочинг, шунингдек, гурухга ўзингиз кўринмайдиган жойдан туриб гапиринг).

3. Тингловчиларнинг бош кимирлатиши, табассуми ва хатти-ҳаракатлари ниманидир айтмоқчи эканлилигига хоҳиши борлигига уътибор беринг.

4. Гурух қаршисида туринг. Укиш ва тренинг бошланганда ўтиранг (хотиржам, шу билан бирга максадли ва катъий бўлинг.)

Вербал (нутгий);

1. Саволларни шундай тузингки, тингловчилар гапирсин. Бунда Сизга очик саволлар ёрдам беради: «Сиз бу ҳакда нима дейсиз?», «Нимага?», «Қандай?» «Агар?» ва хоказо. Агар тингловчи «Ҳа», «Йўқ» деб жавоб берса, «Нега шундай ўйлайсиз?» деб сўранг.

2. Бошка тингловчилар тасдиқланган фикрларга қўшилиш ёки қўшилмаслигини сўранг.

3. Уз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Айникса, тингловчилар ичида педагогик маълумоти бўлмаган кишилар бўлса, у холда аста-секин ва аниқ гапиринг.

4. Тингловчиларни ўзингиздан кўпроқ гапиришга унданг. Узингиз ва тингловчиларнинг сўзга чикиш вақтларини хисобга олиб боринг.

5. Ҳамма саволларга факат ўзингиз жавоб берманг. Тингловчилар бир-бiriнинг саволларига жавоб бериши мумкинлигини унуманг. Бу Сизнинг захирангизни кўпайтиради. «Кимдир бу саволга жавоб бора оладими?» деб сўранг.

6. Тингловчиларнинг фикрини уз сўзингиз билан такрорлаб, бир оз' узгартириб, ифода килинг. Бу Сизга гапирувчини тушунишингизни етарли даражада назорат килишга имконият беради ва мухокама саволларини тушунишни кучайтиради.

7. Бахс умумлаштирилган натижаларини хар бир тингловчи унинг моҳиятини тушунишига ва тўғри йўналишда кетаётганингига амин бўлинг. Бу қарама-қаршиликларни кўриш ва хулоса чиқариш учун қулай фурсатдир.

8. Шахсий тажрибангиз мазкур баҳсга мос келса, тингловчилар фикрларини мустаҳкамланг. «Бу менга ўтган йилги воқеани эслатади» - дейишингиз мумкин.

Б. Самарали тренинг ўтказишнинг таркибий қисмлари (унсурлари).

1. Жозиба (tinglovchilar bilan ishlashning yuziga xos ajoyib tomoni) tinglovchilarning trenining qiziqishi yotg'ish учун қиска баҳс бошлаш, саволлар бериш, tinglovchilar fikrini chalgituvchi taykidlarни ilgari суриш ёки кандайдир фаолият турини фараз килиш. Ўқув-семинар гингловчиларининг дастлабки билиmlari ва уларнинг ҳаётий тажрибаларини оғлашга ҳаракат килиш. Тренинг аҳамияти нимадан иборат эканлиги сабабларини тушунтириш.

2. Tinglovchilar учун натижаларни таъкидлаш. Tinglovchilarдан қандаи максад кутилаётганини аудиторияга тушунтириш. Tinglovchilar гренинг натижасида: «Бу тренингдан кейин нималарни билишим ва нималарни килишим лозим?» деган саволга жавоб беришлари керак.

3. Тренернинг хиссаси. Тренинг учун зарур дастлабки маълумотлар, зарурий билиmlar (матн, маъруза, хужжатлар, ўқиши) ва бирор фаолият турини ўтказиш учун фан мазмунини намойиш килиш.

4. Интерфаол стратегия - тренингнинг юрагидир. Интерфаол услубда фойдаланиладиган иш тартибини қискача баён қилиш. Интерфаол услуб - жамоавий муҳокамани ташкил этиш, фикрларни эркин айтиш, муҳокама, шхлил ва фаолиятни баҳолашдир. Умуман тренингдаги фаолиятнинг ушбу гурида иштирокнинг барча қадамларини чизиб чикиш. Гурухда ишлаш учун иник ва қиска изоҳлар бериб бориш. Tinglovchilar тушунганяник даражасини мунтазам назорат қилиб бориш.

Тренингни якунлашга вакт етиши учун, унинг хар бир қисмини дикқат билан ташкил қилиш. Бу ерда тренингни ўтказиш учун мўлжалланган саволлар муқим аҳамиятга эгалигини эътибордан четда қолдирмаслик. Тренер машкларни tinglovchilar томонидан бажариш жараёнида топширикларни тўғри бажарилишини кузатиб бориши лозим.

5. Дебрифинг (хулоса) бақолаш. Tinglovchilar ўзлари ёд олган ва ўзлаштирган билим (Йўналиш)лари бўйича хулоса қиласидар, ўзлаштирган маълумотлар ва малакаларни бошқа ҳолатларда, ўқувчилар билан ишлашда кўллашни муҳокама қиласидар.

Бу тренингни баҳолаш ' қисмидан иборат бўлиб, бунда «Тингловчилар нимани ўргандилар?» саволига жавоб олинади. Тренинг ддомида tinglovchilar ўрганган ёки кўрсатган билиmlari натижалар билан мос келиши текширилади.

В. Гурух билан ишлаш ва уларга раҳбарлик қилиш.

1. *Муваффақиятли ишяш учун жадал курс дастурини режалаштириши ва ташки қилиши.*

- Биринчи тренинг энг асосий ҳисобланади. Tinglovchilararga ушбу тренингда ўзини яхши кўрсатиш ва муваффакиятга эришиш шароитини яратади.

- Янги тушунчалар, номлар биттадан киритилади. Tinglovchilar бир неча дарс, тренинглар давомида янги иш тартиби билан танишадилар, шунингдек, хар хил ҳолатда ўзларини тутишни ўрганадилар.

- Мазкур тренингда ўқитишдан кутилган натижаларига жавоб берадиган интерфаол услуг танланади.

- Тренинг тузилмасининг бир кисмидан иккинчисига секин-аста ўтиш билан бажарилиши ёддан кўтарилимаслиги лозим. Тренинг кисмлари куйидагилар бўлиши мумкин:

- ўзига хос ажойиб хислат (жозиба) билан бошланиши;
- натижалар;
- тренер хиссаси;
- интерфаол стратегия (услубиётлар);
- танлаш, баҳолаш ва хулоса қилиш.

2. Натижаларни таъриф.чаши замаксадга мос иатижаларни аниқлаш:

- ятижаларни аниқ ва окилона аниглаш;
- ўкув натижалари ва тартиби нуқтаи назаридан кутаётгандарни аниқ белгилаш;
- ҳар бир дарсда (тренингда) қандай билимлар эгаллашни ва тренинг мухимлиги нимадан иборат эканлигини тингловчиларга эълон килиш;
- тингловчиларни таълим шароитида, ўкиш ҳамжиҳатлик руҳида ўтиши учун, ўкувчилар билан ишлашнинг шахсий услубларини ишлаб чиқишгя чакириш.
- кутилган натижаларга эришиш учун интилишда кетма-кетликка риоя қилиш оркали амалга оширилади.

3. Ўцишига тайёргарликка:

- тингловчилар муваффақиятли ишлаши учун етарли таянч маълумотларга эга еки эга эмаслигини синаш;
- кайсиdir фаолият турини киритишдан олдин, барча керакли мазмун ва таянч маълумотларни кайта кўриб чиқиш;
- баҳс учун жавоблари факат «қа» ёки «йўқ»дан иборат бўлмаидиган / этиб, саволлар тузиш масалалари киради.

4. Гуруҳда ишлашида тарбичи:

- тингловчиларгатушунарли бўлган тушунчалардан фойдаланиш;
- тингловчиларни диккат марказига қўйиш ва материални тушунишини енгилластириш;
- тингловчиларни гурухда ва узаро ишлашда таъсирларини ри вожл антир иш;
- тингловчилар чиқишиларида ва машқлар бажаришида, зал бўйлаб юриш керак.

5. Кичик гуруҳларда ишлашида раҳбарлик:

- беш нафар ўкувчидан ошмайдиган кичик 1~урухлар тузиш;
- гурухнинг ҳар бир қатнашчисига вазифа бериш (ёки барчанинг | иштирок этишига шароит яратиш);
- топширикни аниқ тушунтириш ва тушунгандигини текшириш;
- ёрдам беришга хамиша тайёр бўлиш, лекин тингловчилар ўз ишларини мустакил бажаришига эришиш;
- интерфаол услубини амалга ошириш учун стол ва стулларни суриш ^ мумкинлигига ишонч ҳосил килиш;

- тингловчилар бир-бирини «слкама-елка», «кўзма-кўз» кўришига ишонч хосил қилишдан иборат.

6. *Тренинг, баҳс, машқларнинг бошлиниши:*

- тингловчиларнинг аник хаётий ва педагогик тажрибасига мос мавзулардан бериш;

- саволни бошқача килиб бериш;

- мисоллардан фойдаланиш;

- жавобни биладиган тингловчиларга савол бериш йўли билан амалга оширилади.

7. *Тингловчиарга саволлар берини тартиби:*

~ савол бера туриб, сўровнинг турли боскичларидан фойдаланиш масалан, ўқувчилар нима дейди? нега ушбу усул ёки услубдан фойдаланилади?

- тингловчилардан «нима деб ўйлаисиз?» деб сўраш;

- савол бера туриб, тингловчиларга жавоб учун вакт ажратиш («кутиш ""вакти»);

- тингловчиларни ўз фикрларини ифодалашга, тушунтиришлга ва асослашга ундашдан иборатдир.

8. *Тингловчиарнинг хатоларини тузатишучун:*

- таяқиддан кочиш;

- тузатишдан олдин ижобий далилларни айтиш;

- уларга жуда ҳам фаол эътибор бермаслик;

- бирор тингловчининг хатоси билинмаслиги учун бирваракайига бир неча нотўғри жавобларни таҳлил килиш лозим.

Г. "Муаммоли" тингловчилар билан мулоқот мобайнida зарур бўладиган фойдали маслаҳатлар.

> Белгиланган мулоқот маданияти, муомала одоби коидаларидан фойдаланишд.

> Одамлар қандай бўлса, уларни шундайлигича қабул қилиш. Бунда гарбиячи тингловчиларни ўзгартириш учун келмаганлигини унумаслиги лозим.

> Бир ҳилдаги ишchanлик ва тинчгина ҳолатни ушлаб туриш. Ҳис-гуйгуга берилиб кетмаслик.

> Мулоқот мобайнida ҳар бир тингловчи билан сукбат килишга фишиш.

> Бирон зиддият келиб чиқкан холларда, тингловчи билан яккама-якка гаплашиш ёки гурух аъзоларидан биридан илтимос килиб, ушбу вазифани топшириш.

> Мухокама қилишга ва баҳо беришга шошилмаслик.

> Вазиятни тушунтириш. Вазият Сизга ва гурух аъзоларига қандай | аъсир килишига эътибор бериш.

> Кейинги харакат қандай бўлишини «муаммоли» тингловчи ёки гурухдан сўраш.

> Таклиф бериш. Бу таклиф гурухни қониктирганлигига ишонч хосил килиш.

Д. «Муаммоли» тин! ловчилар билан ишлаш.

Укув семинари ёки тренинг машгулоти давомида "муаммоли тингловчилар", одатда, ўз кайфиятлари ва «муаммолик даражасы»ларига караб, тренер-тарбиячига турли саволлар ва ғаламиз фикрлар билан мурожаат киладилар. Тренер-тарбиячи бундай саволларга жавоб беришда ўта педагогик назокат билан юқорида берилган тавсиялардан фойдаланган холда, жавоб берса, ўртадаги самимийлик сакланади. Бундай тингловчилар берадиган саволлар ва билдирадиган ғаламиз фикрлар күйидагилар бўлиши мумкин:

- ^- Сиз семинарни нотўгри олиб бораяпс^!
 - >• Менга гапиришга ҳеч имкон беришмаяпти!
 - > Мен бу саволга бошқача караймап... Узаро фикрлашишга рухсат беринг.
 - > Нима учун биз бу топширикни бажаришимиз керак, бу одоб-ахлоқка зид-ку!
 - > Нима учун бу тингловчи доим гапиради, менга эса сўз беришмайди?
 - > Танаффуснинг қисқалиги менга ёқмаяпти. Мен чой ичишга улгурмаяпман.
 - > Ҳа, мен кеч колдим. Сизнинг семинарингиздан ташкари, менинг кўп ишларим бор.
 - >• Бу услубиёт бизнинг шароитимизга тўгри келмайди. Нимага Сиз бу' услубиётни бизга бераяпсиз? Нима, Сиз мени тушунмаяпсизми?
 - > Мен буни ҳаммасини биламап. Бу ерда мен учун ҳеч кандай янгилик йўк!
 - > Сиз бизга кам топшириқ бераяпсиз. Биз бу семинарда зерикиб коляпмиз.
 - > Айтингчи, нима учун биз дарс жадвалини ўзgartирдик?
 - > Сизнинг тарқатма материалларингизда етарли тушунча берилмаган. Улардан фойдаланиш мумкин эмас.
 - > Семинар жуда узок давом этишидан биз чарчадик.
 - > Гапиринг, гапиринг, биз эшитаяпмиз.
 - > Буни яиада аникроқ ва тушунарлироқ килиб айтиб бера олмайсизми?
 - > Нима учун бизни алоҳида баҳоламаисиз?
- "Муаммоли" тингловчиларнинг дарс жараёнидаги холатлари бўйича типлари:**
- > Мен каршиман!
 - > Индамас
 - > Дайди, «келинг, муҳокама қиласилик...»
 - > Бу ерда менинг душманим бор!
 - > «Йўқ, мен рози эмасман...»
 - > «Биз нотўгри йўл танладик»
 - > «Келинг гурунглашамиз...»
 - > «Менинг назаримда...»
 - > «Сиз бунга кандай карайсиз»?

- > Сергап
- > Тортишувчи
- > «Келинг, мен ёрдамлашаман!»
- > «Кечирасиз, мен кетадиган вақтим бўлди...»
- > «Мен чикиб телефон қилишим керак...»
- > Гапни бўлувчи, лукмачи
- > Таржимонлар
- > Фийбатчи
- > Билагон
- > Маслаҳатгўйлар
- > Фаросатсиз
- > Кўрқок
- > «Менинг ўз ишларим бор!»
- > Пичирлаб гаплашувчилар
- > Қаттиқ гаплашадиганлар
- > Мактов талабгорлар.

2-§. Тарбиячи-тренерларни тайёрлаш дастури

Тренер-тарбиячиларни тайёрлаш дастури ўқитиш жараснида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, тренинглар, очик мунозаралар, якка, жуфтлиқда, кичик гурухлар ва жамоада ишлаш, тарбиячиларни, тингловчиларни педагогик жараёнга тайёрлаш хамда жойларда тарбиячилар учун ўкув-семинарларини ташкил эта олиш, ўтказиш, уларни педагогик технологияларга ўргатишида тренер-тарбиячи вазифасини бажариш ва гренерлик маҳоратини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастурда каггаларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари, тамойиллари, тренинг услугиёти, муаммоли тингловчилар билан ишлаш, всрбал ва новербал мулокотлар, ўқитиш ва ўргатиши усуслари, ўқитишнинг интерфаол услублари, тренер-тарбиячининг фаолияти ва унга кўйиладиган галаблар, тренер-тарбиячининг касбий имиджи, саволларга бўлган муносабат, кўргазмали қуроллар ва уларнинг турлари, машгулотларни ўтказиш учун тренер-тарбиячининг тайёргарлик ишлари каби масалалар ёритилган.

"Истеъод" жамгармасида таҳсил олган тингловчилар машқ қилиш орқали ўрганган технологияларяни ўз иш жойларида-педагогик жамоада кўрсата олишлари, ўз иш фаолиятларида кўллай олишлари ва бошка ҳdmкасларини хам педагогик технологияларга, ноанъанавий дарс ўтишга ўргатишлири учун, улар, тажрибали тарбиячи ёки услубчи булибгина колмай, балки тренер-тарбиячи даражасидаги билим ва тажрибаларга 'эга бўлишлари керак, чунки тренер-тарбиячилар - тингловчилар учун бир неча ёки барча ўкув - тренингларни режалаштирувчи ва амалга отпирувчи хамда олдиндан ҳар бир тренингни лойихалаштириб, ажратилган киска вақт ичida зинг мукаммал ва кафолатланган натижага эришувчи эксперт хамдирлар.

Дастурнинг мақсади: "Истеъдод" жамгармасида таълим муассасаларининг профессор-тарбиячиларига ўқитиш тсҳнояогияларини ўргатиш билан бир каторда, уларга жойларда ўқув-семинарларини ташкил этиш, ўтказиш ва тарбиячиларни педагогик технологияларга ўргатишида греинерлик кила олишларига тайёрлаш ҳамда уларда тренерлик маҳоратини шакллантиришдир.

2.1. Дастурнинг мазмуни:

1. Тингловчарда қизиқиши учотиши.

Тингловчиларда қизиқиши учотиши учун нималар килиш керак? Тингловчиларнинг қизиқиши, имконияти ва эҳтиёжини қандай қисобга олиш мумкин? Педагогика ва андрагогияни (кatta ёшдагиларни ўқитиш) таққослаш.

2. Катталарни ўқитиги тамошлари.

Катта ёшдаги инсонларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари. Катталар аудиториясининг ўқувчилар аудиториясидан фарки. Катталарни ўқитиш тамошлари. Катталарни ўқитишни ташкил этиш цикли (самимий муносабат, тажриба таҳлили, тажрибани умумлаштириш, оммалаштириш ва кўллаш).

3. Тренинг услубиёлги.

Тренинг. Тренингни ўтказиши малакаси. Самарали тренингни ўтказиши унсурлари. Тақдимот. Намойиш этиш. Аник мисоллар орқали ўқитиш. Ролли ўйинлар. Турли вазиятларни ҳал этиш. Кичик гурухларда ишлаш ва муҳокама килиш. Ахборотни кабул килиш йўллари.

4. Эшилтиши малакаси.

Эшилтиши самарадорлиги коидалари. Эншиши кўнимкалари. Мулокотда фаол эшилтиш алгоритми. Сухбатдошингиз фикрини тавсифлаш усули, Умумий фикрларни киска ва аниқ баён этиш. Фаол эшилтиш кўнимкаси.

5. Муаммоли тингловчи.

Муаммоли тингловчилар тури. Муаммоли тингловчилар таҳлили. Муаммоли тингловчилар билан мумалага киришиш, самимий муносабат ўрнатишга зарур тавсия ва маслаҳатлар. Муаммоли тингловчилар билан ишлаш.

6. Мулокот.

Вербал ва новсрбал мулокот. Мулокот унсурлари. Жавоб беришнинг асосий унсурлари, мимика ва пантомимика. Жавоб беришни таъминловчи коидалар.

7. Ўқитиши ва ўргатиши услублари.

Мен - тренер (тест). Тарбиячи ва тингловчиларнинг тўртта тури.

8. Ўқитишининг интерфаол услублари.

Тренинг ўтказищда интерфаол услублар. Жамоавий фикрлашни ташкил этиш, Ўйин ва тажриба фаолияти. Ишchan ўйинлар, моделлаштириш. Тажриба ва амалиёт орқали ўқитиш. Ролли ўйинлар (саҳналаштириш, рағбатлантирувчи топшириқлар, руҳий драма). Аудитория.

9. Тренер-тарбиячи фаолияти.

Тренер-тарбиячи шахси. Тренер-тарбиячи шахсига кўйиладиган галаблар. Тренер-тарбиячининг фаолияти нималарга боғлиқ? Фойдали маслаҳатлар. Бахс-мунозарани олиб бориш. Тингловчиларни бўлажак топширик билан таништириш усуллари. Машгулотларни ташкил килишга, машқлар ўтказишга керакли услубиётларни танлаш ва уларни кўлланилишини баҳолаш. Дарсга кириш ва уни таҳлил килиш техникаси.

10. Савол ва жавоблар.

Савол турлари: очик ва ёпик саволлар. Савол ва изоҳлар. Кўшимча аҳборот олиш учун савол кўйиш қобилияти. Жавобларни эшитиш ва уларни кабул килиш. Саволларга бўлган муносабат.

//. Тренер-тарбиячининг касбий имиджи.

Тақдимот килиш санъати. Омма олдида сўзга чиқиш тамойиллари. Сўзга чикишдан олдин хаяжонни босиши усуллари.

12. Кўргазмали цуроллар.

Кўргазмали куроллар такцимоти. Слайдлар. Кўргазмали куролларнинг "турлари. Уларни тайсрлашга ва ишлатилишига кўйиладиган талаблар.

13. Тренер-тарбоччишиг машгулотга тайёргаряик ишлари.

Тренер-тарбиячининг ўкув семинари (ўкув жараёни)га тайёргарлиги. '1'арқатма материаллар, ксракли жиҳозлар, ўкув жадвали ва ўкув хонасини гайёрлаш.

14. Тингловчиларнинг ўтилган материаллар бўйича тайёrlагan ижодий технологиялари ҳгиояси. Ҳимоя якка тартибда ташкил этилади.

15. Анкета ўтказили. Семинар натижаларини эълон қилиш. Семинар ишини якунлаш. Суҳбат-мулоқот.

Муаллифлар ён дафтаридан...

Хар нарсанидурки қилсанг қазо,
Сенга ҳам еткүзгисидир жазо.

Билимга эга бўлиш, билимли бўлиш бу жуда муҳим, лекин уни каердан,
кандаи килиб излаб топишни билиш, ундан ҳам муҳимроқдир.

Илмли бўлиш учун билим керак,
Касб эгаси бўлиш учун устоз ксрак.

Одатда бошқара туриб, бошқаришга ўрганилади,

Бошқармоқ, демак-, бошқаларни ишга ундамоқ!

Таълим - бойлик, уни қўллай билиш - мукаммаллик.

(Араб мақоли).

Биз бир йилга режалаштирганимизда, дон сочамиз.

Ун йилга режалаттирганимизда дарахт экамиз.

Агар бутун умрга режалаштирсақ, кишиларни ўқитамиз ва тарбиялаймиз.

(Хитой маколи).

Ўқитишининг масофали шакли XXI асрда таълимнинг асосий шаклларидан
бирига айланиши мукаррар.

Үқувчилар тарбиясига оид ҳикматлардан намуналар

Агар ўқувчи ҳаётда факат танкид билан тўқнашса,
у факат бошкштарни ёмонлаш, танбех беришга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат адоват, ёмонлик билан тўқнашса,
у факат курашишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат мазах ва майна қилишлик билан тўқнашса,
у факат қатъяйтсизлик, журъятсизликка ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат изза қилинса, ҳамиша уялтирилса, у
ўзини гунохкор деб хис этишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳастда факат бардошлилик билан тўқнашса, у
сабр-токатли бўлишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳамиша бошкаларнинг кўмагини сезса,
у энг яхшилар каторида бўлишга интилади. ***

Агар ўқувчи ҳаётда факат мақтов билан тўқнашса,
у ҳамиша миннатдор бўлишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат адолатлилик, одиллик билан тўқнашса,
у ҳаққонийликка ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат умид, ишонч билан тўқнашса,
у ишонч билдиришга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат маъкуллаш билан тўқнашса,
у ўз-ўзига ёкиш, ўзини ҳурмат қилишга ўрганади.

Агар ўқувчи ҳаётда факат кадрига етиш ва дўстлик билан тўқнашса,
у бутун дунёни ва барчани севишга ўрганади.

Тарбияга оид педагогик атамаларнинг қисқача луғати

Авгократлик - ҳокимлик, кишининг буйруқбозлик, кўрсатмалар бериш! ва жазолаш каби шаклларда бошкаларга (масалан, тарбиячининг ўкувчига) нодемократик усуllibардан фойдаланган ҳолда таъсир этишга мойиллиги.

Агрессивлик (тажовузкорлик) душманлик, бошкаларга, атрофдагиларга зарар етказиш, тажовуз қилиш, нокулайлик туғдириш максадини амалга оширувчи шахснинг хусусияти.

Аутотренинг - ўзини-ўзи ииюнтириш, шахснинг ўзини-ўзи бошқаришга қаратилган маҳсус машклар тўплами. Аутотренингдан шахснинг ўз руҳий ҳолати ва хулқини бошқаришда фойдаланилади.

Ахборотли малака - таълим ва тарбия масапаларига ахборотларни мослаштириш ва талқии қилиш малакаси.

Ахлоқ - шахснинг жамиятга ва бошқа кипшларга нисбатан бурчини белгилаб берувчи меъёрлар тизими, маънавий хулқ коидалари, у ижтимоий онг шаклларидан биридир.

Баён қилиш тарбиячи томоилилан ўрганилаётган материал мазмунини изчил сўзлаб бериш услубиби.

Билиш фаолияти - идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.

Бошқариш - ташкил этиш, қарор қабул қилишга қаратилган фаолият, объектни ўз хизмат вазифаси доирасида назорат қилиш, тартибга солиш, ишончли ахборотлар асосида таҳлил қилиш ва якун ясаш.

Бурч муайян ахлоқий мажбуриятларни хис қилиш, унинг зарурлигини англаш.

Вазифа мақсад ва уни амалга ошириш босқичларининг ойдинлаштирилиши.

Вербал - ифодали, оғзаки.

Дунёқарааш - шахснинг тафаккур тарзи ва йўналишини акс эттирувчи карашлар, эътиқод ва фикр-ўйлар тизими.

Жамоа - умумий мақсад йўлида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, ташкилийлиги ва интилишлари билан бир-бирига монанд турғун социал (ижтимоий) гурух.

Идеал - олий мақсад, бирор нарсанинг намунаси, шахс, гурухларнинг хатти-харакатлари, интилишлари интиҳоси.

Ижтимоий идрок этиш кишилар томонидан ижтимоий объектларнинг идрок этилиши, англаниши ва баҳоланиши.

Изоҳлаш, тушунтириш - оғзаки изоҳ, ёритилиши лозим бўлган турли материалларни изоҳлаш, исботлаш, таҳлил қилиш.

Индивидуаллик - шахснинг бетакрор биоижтимоий хусусиятлари.

Инсонпарварлик - 1) инсоннинг инсонга бўлган муҳаббати, унинг кадрини хурмат қилиш, киши манфаатлари учун кайғуриш гоялари билан сугорилган ва кишилар ўртасидаги тенглик, халоллик, инсоний муносабат

тамойилларига асосланган дүёкараш; 2) инсонийлик, инсонларнинг бунёдкорлигига ишончи.

Интеллект (ақл) - шахснинг турли фаолият турларини **муваффақият** билан ўзлаштиришини **белгилайдиган** туғма ва ўзлашма барча аклий кобилиялар түплами.

Машонтира олиш - ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан холи, эркин равишда ўзлашишга эришишни кўзлаган руҳий таъсир этиш **услубиёти**.

Ишонч ҳосил қилиш - шахснинг муайян коида ва талабларини онгли равиша ўзлаштириш воситасида тарбиялаш **услубиёти**. Тегишли маълумотлар ва далилларга **асосланиб**, шахснинг ўз ҳукми ва холосалари гўтрилигига ишончни юзага келтириш жараёни ва натижалари.

Ичиқоралик - ўзгаларнинг муваффакиятсизлигидан севиниш.

Ички холат (мавке) - шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий ^оғлик ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йуналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлари тизими.

Истиқболни белгилаш малакаси ижтимоий ва билиш жараёнларини рсжалаштириш ва бошқариш.

Калокагатин -- гўзаллик ва олижаноблик ҳамда жисмоний ва маънавий **бойликлар** бирлиги.

Касбин - педагогик мулокот - педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий - руҳий алоқаси тизими бўлиб, унинг мазмуни ахборотлар **айрибошлаш**, **тарбиявий** таъсир ўтказиш, мулокот воситалари ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.

Касбий билимдонлик - педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.

Копштив - билиш жараёни.

Креативлик - бетакрор қадриятлар яратувчи, ностандарт ечимлар кабул килувчи шахснинг ботиний кобилияти.

Кузатиши - бирор педагогик ходиса бўйича аниқ далилий материал олиш мақсадини кўзлаган идрок этиш шакли.

Мафкура - гоя ва қарашлар тизими.

Мақсад - фаолият натижасини олдиндан фикран белгилаш.

Мақтоб - фойдали иш қилган пшхсни ёки жамоани оғзаки тақдирлаш.

Мифология - қадимги дунё ҳалқларининг дунё ва табиат ходисалари, уларнинг пайдо бўлиши ҳакидаги, худолар ва қаҳрамонлар ҳакидаги ривоятлари, **афсоналари**, бу афсонада қадимий ҳалқларнинг дунё ва худолар Ҳақидаги ибтидоий тасаввурларининг акс эттирилиши.

Мотив -- маълум эҳтиёжларни кондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.

Мотивация - шахсни фаол хатги-харакатларга ундовчи сабаблар, асослар тўплами бўлиб, у айни замонда киши хулкини физиологик ва лсихологик бошқаришнинг динамик жараёнини ҳам билдиради ва фаолиятининг йўналишини, фаоллигини, уйғунылигини ва турғунлигини белгилайди.

Муаммоли вазият - ўкув вазияти бўлиб, у машаккат билан хал килинадиган масала туфайли юзага келади.

Мулокот - кишиларнинг ўзаро муомалаларида ахборотлар алмашиш тавсифи.

Мулокотнинг етакчи тури - ривожланишнинг маълум бир даврида атрофидаги кишилар билан муомалада етакчилик киладиган мулокот тур^и бўлиб> унинг натижасида шахснинг асосий сифатлари шакланади.

Мулокот кўникмаси - муомала кила олиш ва педагогик техника малака ва кўникмаси.

Мулокот фаолияти педагогнинг тарбияланувчилар, бошка педагоглар, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар билан мақсадга мувофиқ урнатган муносабатлари

Мунозара - 1) матбуотда, сухбагда бирор баҳсли масалани мухокама қилиш, баҳс; 2) муаяян муаммо буйича фикр алмашишга асосланган таълим услубиёти.

Низо (зиддият) -- қарама-карши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, кизгин баҳс.

Одат -- кишининг маълум эътиқодлар, қадриятлар ёки ахлоқий меъёрлардан кслиб чиқиб, амалга оширадиган онгли фаолияти.

Педагог - тарбиячи, ўқитувчи, дарс бсрувчи.

Педагогика - ёш авлод таълим ватарбияси ҳдкидаги фан.

Педагогик жараён - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, маҳсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг максадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик масала - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимиdir. У воқеликни билиш ва кайта яратиш зарурияти билан боғлик тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим катнашчиларнинг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилга| вазиятдир.

Педагогик маҳорат - педагогик жараённи билиш, уни ташкил эт[^] олиш, харакатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённим юкори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлар» синтези.

Педагогик такт - ўқувчилар фаолиятининг турли доираларида ула] билан мулокотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, ўқувчилар била! уларнинг шахсий хусусиятларини хисобга олган ҳолда, тўғри мулокотда бўл олиш малакаси.

Педагогик техника - 1) хар бир таълим олувчига ва жамоаг иедагогик таъсир утказища самарали кўллаш учун зарур бўлган малака в кўникмалар мажмуаси; 2) хар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигин педагогик жихатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

Педагогик технология - 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагоги жараённи амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагог' масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланге ^{лл} -«"«14 оо тяпбия ^слубиётлаоининг у. ёки £

тўпламини кўллаш билан боғлик бўлган лсдагогнинг узлуксиз, ўзаро шартланган ҳаракатлари тизими; 3) педагогнинг ютукларига кафолат берадиган аник ишлаб чикилгая ва катъий илмий лойиҳалаштирилган педагогик ҳаракат; 4) таълим шаклларини мукобиллаштиришга каратилган ва техника ҳамда инсон омиллари, унинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ўқитиш жараёни ва билимларни эгаллаш, яратиш, кўллаш ва белгилашнинг тизимли услубиети.

Педагогнинг мулоқот маданияти - педагогнинг кишилар билан киска муддатда мулоқот ўрната олиши, улар билан мулоқот ўрнатишга бўлган доимий интилиши.

Педагог нуктаи назари (холати) - педагогнинг дунёга, педагогик вокеликка ва педагогик жараёнга бўлган ақлии ва хиссий муносабати.

Педагогик ҳақконийлик - тарбиячининг ҳақконийлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Психология - 1) шахснинг ҳақиқий борликни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган руҳий жараснлар тўплами; 3) руҳият, табиат хусусияти, қўнгил хачинаси.

Рефлексия - такрорлаш, акс этиш, уз ҳаракатлари ва холатларини тахлил килиш.

Роль ижро этиш - қатнашувчиларнинг якка ва гурух бўлиб турли ролларда (саҳнада) чиқиши, образга кириши.

Сардор - гурух аъзоларига лозим бўлган вазиятларда сезиларли таъсир ўтказадиган шу гурухнинг етакчи аъзоси.

Суггестия - уктириш, тўла ишонч ҳосил килиш.

Суҳбат - кузатув чоғида етарли даражада аник бўлмагап зарур ахборотни олиш учун кўлланадиган тадқикот услубиёти.

Тазйик ўтказиши -- уятга кўшиш, айбордлик хисси ёки кўнгли чўккаиларнинг фикри, хиссияти, интилиши ва майлини уларнинг онгидан халос килиш.

Талқин қилиш - бирор ходиса ёки нарсани изоҳлаш, тушунтириш.

Такаббур - уз манфаатларини юкори куювчи, манман шахс.

Такт - мисли кўрилмаган тарзда ўзиня тута билиш.

Тарбия - 1) шахснинг маънавий ва жисмоний холатига мунтазам ва максадга мувофик таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим максадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг маҳсус ташкил этилган фаолияти.

Тафаккур - инсон аклий фаолиятининг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ходисаларни билиш жараёни, мухим Қаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни қал килиш, маълум бўлмаган воеа-ходисаларни кидириш, кслажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, хулоса шаклларида намоён бўлади.

Темперамент - 1) шахснинг руҳий фаолияти динамикасининг турли жиҳатларини билдирадиган турғун шахсий хусусиятларининг конуний

муносабатлари; 2) шахснинг динамик хусусиятлари: жадаллик, тезкорлик даражаси, руҳий жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

Технология - ишлаб чиқариш жараённида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти шаклини ўзгаририш услубиётлари тўплами.

Услубиёт - бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўйланаадиган услублар йигиндиси.

Фаолият - 1) онгли мақсад билан бошқариладиган кишининг ички (руҳий), ташки (жисмоний) фаоллиги; 2) атроф-муҳитнинг кишилар томонидан мақсадга мувофиқ кайта бунёд этилиши.

Хайриҳоҳлик кишиларга очик кўнгил бўлиш, илтифотли марҳаматли бўлиш.

Шахс - 1) кишиларнинг ижтимоий хулқи, инсонлар орасида ўзини тутишини акс эттирадиган руҳий сифатлари мажмумини билдирувчи тушунча; 2) турли-туман сифатлар тизимидағи кишининг руҳий, маънавий моҳияти; 3) ижтимоий моҳият касб этган ва ўз-ўзини англаш қобилиятига эга бўлган киши.

Шахсий фазилат -- шахс томонидан ўзининг ахлокий-руҳий ва ишчанлик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиши.

Эътиқод - шахс амал қиласидаги билим, тамоийил ва идеалларнинг ҳаққонийлигига қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

Эстетик тарбия гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдаги гўзалликни пайкай олиш ватушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

Эҳтиёж - шахснинг бирор нарса-ходисага муқтожлиги ва кишининг руҳий куввати ва фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Ўйин - у фаолиятнинг шундай бир турики, у ижтимоий тажрибапарни ўзлаштиришга ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш - кишиниш[^] ўз руҳий сифатларини, хулкини, ютуқлари ва муваффакиятсизликларини, қадр-кимматини, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш 1) шахсга хос бўлган маданиятнинг тлакланишига ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, руҳий ва ахлокии сифатларини тинмай амалга ошириш.

Тарбиячининг инновацион фаолияти ижтимоий-педагогвд феномен бўлиб, ижодий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишидир.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш - ўқувчи ва ёшларга келажакда У³ касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иктисодий, руҳий, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техникавий тадбирларнинг асосланган тизими.

Қаноат - маълум мақсадга эришиш йўлида ижобий туйғу билай оогланган шахснинг руҳий ҳолати.

Қизиқиш - шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналашининг онгли шакли.

Ғайри ихтиёрийлик - ташки ҳолат ёки шахсий кайфиятлар таъсирида дастлабки ишончларга мойил киши хулқининг хусусияти.

Ҳалоллик шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгўйлик билан сакпаш.

Ҳасад - ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмаслиқдан келиб чикадиган туйғу.

Яхлит педагогик жараён - тарбия ва таълим жараёнида тарбия босришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит холга келган жараёни.

Фойдаланилган адабиётлар

1. **Каримов И.А.** Баркамол авлод - Ўзбекисток тараққиётиниң пойдевори - Т/Шарқ, 1997.-646.
2. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008 - 1766.
3. **Абдулла Авлоний.** Туркий гулистон ёхуд ахдок. - Т.: Ўқитувчи, 1992. -. 1606.
4. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўтказиладиган удумлар ца асосий тадбирлар тизими (1-китоб) - **Бобобеков X, Давлетшин М.Г., Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бошқалар.**- Т.: Фан, 1999. - 32 б.
5. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида ўтказиладиган удумлар ва асосий тадбирлар тизими (2-китоб) - **Бобобеков X, Давлетшин М.Г., Ишмуҳамедов Р.Ж. ва бошқалар.**- Т.:Фан, 2005. - 90 б.
6. **Асомиддинова М.** Кийим-кечак номлари. -Т.: Фан, 1981.- 115 б.
7. Аҳлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: Фан, 1990.-1706.
8. **Иванов И.П.** Энциклопедия коллективно-творческих дел. - М.; Педагогика, 1989.-2086.
9. **Имомназаров М., Эшмуҳамедова М.** Миллий маънавиятимиз асослари: (Олий ўкув юртлари учун маъруза матнлари)//Тақрир ҳайъати: Х.С.Кароматов, Н.Иброҳимов ва б.; - Т. ; Тошкент ислом университети, 2001.-432 б.
10. **Ю.Ишмуҳамедов Р.Ж.** Ўкувчиларни тарбиялаш ва соғломлаштириш ишларида педагогик технология (ўзбек ва рус тилларида).- Т.,УДАП, 2004. - 2336. 11. **Ишмуҳамедов Р.Ж.** Инновацион технологиялар ёрдамида таълим сама-радорлигини ошириш йўллари.- Т.: ТДПУ, 2004, 2008 (кайта пашр). - 44 б.
12. **Ишмуҳамедов Р.** Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари (2 китоб).—Т.: ТДПУ, 2009. - 108 б.
- 13-**Ишмуҳамедов Р.** Ўкув жараённида интерфаол услублар ва педагогик технологияларни кўллаш услубияти. - Т.: РБИММ, 2008. - 68 б.
14. **Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А.** Директорнинг иш китоби (амалий тавсиялар). - Т.: Fan ya 1expo1o§1ya, 2007. - 122 б.
15. **Ишмуҳамедов Р.Ж, Абдуқодиров А., Пардаев А.** Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: Истебодод, 2008.-180 б. 16. Маънавий юксалиш йўлида: (Тўплам) / **Тўпловчи М. Қаршибоев.** - Маънавият, 2008.- 1446.
16. П.Маънавият дарслари //Тузувчи С. Нишонова - Т.:Ўқитувчи, 1994.-320 б.
17. Max.мудов Р. Дегонимни улуска марғуб эт. -Т.: Ўзбекистон, 1992. - 88 б.
18. **Мусурмонова О.** Ўкувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш - Т: 1991. 20. **Натанзон Э.Ш.** Психологический анализ поступков ученика. М., 1991
19. 1266. 21. **Натанzon Э. Ш.** Приемы! педагогического воздействия.- М, 2002. - 202 с.

- 22.Натанзон Э.Ш.** Трудныш школьник и педагогический коллектив: пособие для учителя // Натанzon Э.Ш. - М.: Просвещение, 1984. -96 б.
- 23.Педагогика тарихидан хрестоматия /Тузувчи О.Хасанбоева. -Т.: Ўқитувчи, 1992.-2086.
- 24.Расмий ва норасмий учрашувлар одобномаси. -Т: Адолат, 1992. -136.
- 25.Рыбакова М.М.** Конфликт и взаимодействие в педагогическом процессе, М.,1991.- 1286. 26.Тарбиявий иш методикаси //Л.И.Рувинский таҳрири остида. Т: Тарбиячи, 1991.
- 27.Саттаров М.** Узбекские обычаи. -Т.: Маънавият, 2003. -1126. **28.Фахрул-Банот Сифбатуллоҳ; қизи.** Оила сабоқлари. - Т: Ёзувчи, 1992. - 966. 29.Хикматнома. Тўплам //Тўпловчи Н.Эшонқулов - Т: Чўлнон, 1992. - 112
- 6.ЗО.Узбек** педагогикаси антологияси. Т.: Тарбиячи, 1995.

III БОБ. ЖАМОАВИЙ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТ - ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ СИФАТИДА	7
IV БОБ. ТАДБИРЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ	78
1-§. «Рақслар базми» байрамини тайсрлаш ва ўтказиш тартиби	79
2-§. «Сусамбил » мамлакати	83
2.1. Сусамбил мамлакатининг пойтахти	91
3-§. «Мехржоп» байрами	93
4-§. Оммавий ракс	96
5-§. Таълим муассасаларида "Халқ сайли" байрамини тайёрлаш ва ўтказиш	99
6-§. "Бўлажак ватан посбошши" ўйин-мусобақаси	104
7-§. Ўкувчиларни билиш фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган тарбиявий ишлар	106
V БОБ. ПЕДАГОГИК ИХТИЛОФ ГУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ДЕТЕРМИНАНТ (АНИҚЛОВЧИ)ЛАРИ	108
1-§. Ўзаро ихтилофларни бошқариш технологияси.....	112
2-§. «Зиддиятларни ечиш услубингиз» тренинги.....	113
VI БОБ. ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ АМАЛИЙ-УСЛУБИЙ СЕМИНАРНИ ЎТКАЗУВЧИ ТАРБИЯЧИЛАРГА УСЛУБИЙТАВСИЯЛАР	116
1-§. Таълим муассасаларида ўкув семинарини тайёрлаш ва ўтказиш	116
1.1. Тингловчиларни навбатдаги топширик билан кандай таништирилади?	120
1.2. Тренерларга маслаҳатлар	121
1.3. Тренингни ўтказиш услубиёти	122
2-§. Тарбиячи-тренерларни тайЁрлаш дастури	127
2.1. Дастурнинг мазмуни	128
Муаллифлар ён дафтаридан.....	130
Ўкувчилар тарбиясига оид хикматлардан намуналар	131
Тарбияга оид педагогик атамаларнинг кискача лугати	132
Фоидаланилган адабиётлар	138
Мундарижа	140

**Равшан Жураевич ИШМУХАМЕДОВ
Абдуқаҳхор Абдувакильевич АБДУҚОДИРОВ
Абдунаби Холикович ПАРДАЕВ**

2010 йил 26 февралда чол этишга рухсат берилди.
Бичими 60x84 1/16. «Таймс» ҳарфида терилди.
Шартли босма тобоги 8,0
Адади 2000. 13-буюртма
Босмахона манзили: Ўзбекистон Овози кўчаси, 32-уй

**ТАРБИЯДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

(таълим муассасалари тарбиячи-ўқитувчилари ва гурӯҳ
раҳбарлари учун амалий тавсиялар)